

Тахрир ҳайъати:

А.И.Ятусевич – РФА академиги
Э.Д.Джавадов – РФА академиги
Я.А.Юлдашбаев – РФА академиги
Д.А.Девришов – РФА мухбир аъзоси
Б.Норқобилов – *Ветеринария ва
чорвачиликни ривожлан-
тириш давлат
қўмитаси раиси*

Х. Юнусов – СамВМИ ректори,
б.ф.д., профессор

А.Орипов – профессор

Ҳ.Салимов – профессор

А.Даминов – профессор

Р.Давлатов – профессор

Қ.Норбоев – профессор

Б.Б.Бакиров – профессор

Н.Дилмуродов – профессор

Ш.Джаббаров – в.ф.д.

Б.Элмуродов – в.ф.д.

Н.Йўлдошев – в.ф.д.

Х.Ниёзов – в.ф.д.

Б.Нарзиев – в.ф.н., доцент

Х.Бозоров – в.ф.н., доцент

Р.Рўзиқулов – в.ф.н., доцент

А.А.Белко – ВДВМА доценти

Д.Н.Федотов – ВДВМА доценти

Бош муҳаррир вазифасини

бажарувчи:

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир:

Дилшод Юлдашев

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат қўмитаси

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат қўмитаси,
“AGROZOOVETSERVIS”
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2018 йил 2 февралда
0284-рақам билан рўйхатга олинган

Журнал 2007 йил сентябрдан
чоп этилмоқда

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри,
Усмон Носир, 22.

Тахририят манзили: 100022, Тошкент
шаҳри, Қушбеги кўчаси, 22-уй
Тел.: 99 307-01-68,

Факат телеграмм учун 97 770-22-35.

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 4030.

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 27.06.2021.

Бичими 60x84¹/₈. Офсет усулида чоп

этилди. 4,25 б.т. Буюртма № .

Баҳоси келишилган нарҳда.

© Veterinariya meditsinasi, #06 (163) 2021

“ALDIN GROUP” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Олмазор кўчаси, 1-уй.

Ташаббускорлик

А. Алиқулов – Ветврач бўлиб кадр топдим 3

Юқумли касалликлар

Р.М.Ўрақова – Ўзбекистонда қўйлар брадзот касаллигини
ўрганиш натижалари 6

Жарроҳлик

Ж.Юлчиев., Ж.Мансуров – Сут бези ўсмасида итлар конининг
морфобиокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари ўзгариши 9

Паразитар касалликлар

Н.У.Каримова – Каналардан огоҳ бўлинг! 12

А.О.Орипов, Н.Э.Юлдашев, Ш.А.Джаббаров, И.А.Улашов
– Фасциолёз, шистосомоз (ориентобильгарциоз) ва
парафистоматозларни профилактика қилиш учун янги
моллюскоцидлар 16

Ў.И.Расулов, Н.У.Каримова, К.У.Пирназаров – “Поликарб-Уз”
препаратини ветеринария амалиётига жорий қилишдан олинган
самарадорлик 21

Ветеринария фармакологияси

М.Юлдашева, Б.Нарзиев – Йирингли жароҳатларни даволашда
пробиотикларни қўллаш истиқболлари 23

А.Б.Мамедов, Ҳ.П.Нурмаатов, Ж.Зухуров – Қишлоқ
хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларда иммунитетни
коррекциялаш йўллари 25

Ветеринария-санитария

Х.С.Салимов, А.Раҳмони – Сальмонеллёз этиологияли
озик-овқат токсикоинфекцияси ҳақида 28

Анатомия

Э.А.Мухторов, Н.Б.Дилмуродов – Ҳисори зотли қўйлар
постнатал онтогенезида соннинг икки бошли
мускулининг морфометрик хусусиятлари 32

Табрик

Шогирдлари кўп инсон 35

Узоқ яшамоқчимисиз, ўқинг, ўрганинг 35

Соғ бўлинг, Холиёр бобо 36

Хотира

Таниқли олим эдилар 36

Editorial board:

A.I.Yatusevich – academic RAN
 E.Dj.Djavodov – academic RAN
 Y.A.Yuldashbayev – academic RAN
 D.A.Devrshov – correspondent RAN
 B.Norqobilov – State Committee of
 Veterinary and Livestock
 development of the
 Republic of Uzbekistan
 X. Yunusov – doctor of biology, professor
 A.Oripov – professor
 X.Salimov – professor
 A.Daminov – professor
 R.Davlatov – professor
 Q.Norboev – professor
 B.B.Bakirov – – professor
 N.Dilmurodov – professor
 Sh.Djabbarov – doctor of veterinary
 B.Elmuradov – doctor of veterinary
 N.Yuldoshev – doctor of veterinary
 X.Niyozov – doctor of veterinary
 B.Narziev – doctor of veterinary
 X.Bozorov – doctor of veterinary
 R.Ruzikulov – doctor of veterinary
 A.A.Belko – dotsent VDVMA
 D.N.Fedotov – dotsent VDVMA

Acting Chief Editor:

Abdunabi ALIKULOV

Editors:

Dilshod YOLDOSHEV

Designer:

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

Initiator and leader of the project:

State Committee of Veterinary and
 Livestock development of the Republic of
 Uzbekistan

Founders:

State Committee of Veterinary and Live-
 stock development of the
 Republic of Uzbekistan,
 “AGROZOOVETSERVIS” Co., Ltd.

**Registered in Uzbekistan Press and
 News agency by 0284**

Address: 22, Usmon Nosir, Tashkent,
 100070. Editorial address: 4,

Kushbegi, 22

Tashkent, 100022

Tel.: 99 307-01-68,

☎ 97 770-22-35

Web-site: www.vetjurnal.uz

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

circulation: 4030

Index: 1162

Permitted for print: 27.06.2021. Format
 60x84 1/8. Printed by Offset printing 4,25
 press works Order #414 Free price.

© “Veterinariya meditsinasi”, #06 (163) 2021

Printed by “ALDIN GROUP”
 Co., Ltd., Tashkent city. 1, Olmazor str.

Initiative

A. Alikulov – I am honored to be a veterinarian 3

Contagious diseases

R.M. Urakova – Analyzing results of bradsot in sheep in Uzbekistan
 6

Surgery

J.Yulchiev, J.Mansurov – Changes in morphobiochemical and immu-
 nological parameters in blood of dogs in case of breast tumors 9

Parasitology

N.U. Karimova – Beware of mites! 12

A.O.Oripov, N.E.Yuldashev, Sh.A.Djabborov, I.A.Ulashov – New
 molluscocides for the prevention of fasciolosis, schistosomiasis (oriento-
 bilgartsiosis) and paramphistomatosis 16

U.I. Rasulov, N.U. Karimova, K.U. Pirnazarov – The effectiveness of
 the introduction of the drug “Polycarb-Uz” in veterinary practice 21

Veterinary pharmacology

M.Yuldasheva, B.Narziev – Prospects for the use of probiotics in the
 treatment of purulent wounds 23

Pharmacology

A.B.Mamedov, H.P.Nurmamatov, J.Zuhurov – Ways of correction of
 immunity in farm animals and poultry 25

Veterinary-sanitary

H.S.Salimov, A. Rakhmoni – Salmonella food poisoning 28

Anatomy

E.A. Mukhtorov, N.B. Dilmurodov – Morphometric properties of the
 biceps muscle of the thigh in postnatal ontogeny in Hissar sheep 32

Congratulations

A man who has a great deal of disciples 35

Learn to have a long live 35

God bless you! 36


Memory

He was a well-known scientist 36

ВЕТВРАЧ БЎЛИБ ҚАДР ТОПДИМ

– Пандемия чекловлари кучайган маҳал мени кўпам менсимай юрадиган бойвачча кўшним эшик қоқди. “Кўшни, “Дамас”нинг бир чеккасига ўтириб кўшни туманга бориб келайлик, илтимос, қарзга мол берганман, ўлиб қолса пулимни ололмай қолмайин” деди. Чунки “ветбўлим” деб ёзилган хизмат автомашинамни махсус рухсатномаси бўлгани боис тўхтагмай қўйишган эди-да. Бу илтимосдан бир қоп семирдим, жамиятга жуда керакли касбни танлаганимдан, ветврач бўлганимдан қувондим. Ҳатто ўша димоғдор кўшним шу лаҳзада молнинг тагига тўшалган жамойкоримни бошига кийиб олишга, “Дамас”нинг бир чеккасида биқиниб кетишга ҳам тайёр эди-да.

Тўрткўллик хушчақчақ хофиз акамиз Қурбонбой Сейдановнинг бу гапи қулгимни келтирди. Сўнг ўйлаб кўрсам, дарҳақиқат ветврачлар пандемия даврида ҳам тингани йўқ, одамларнинг даромад манбаи саналмиш жониворларни даволаб, сунъий уруғлантириб кайфиятини кўтарди. Айни чоғда ҳам ветврачлар ўз вазифасини сидкидилдан удалашмоқда. Иш ҳақи оз, энг хавфли касалликларга қарши курашишда тиббиёт ходимларидан кам ишлаганимиз йўқ, аммо санэпидстанция ходимларидан маошимиз кам-да, дея нолишгани йўқ. Яратганга шукр, хизматга яраша манфаат топаёмиз, билимдон ветврачни элнинг ўзи боқади, деб эртаю кеч одамлар орасида. Тўрткўл туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида бўлган кун Аширберди Раҳмонов, Ўткирбек Исломов, Дилноза Жабборова, Гулхат Беккиева сингари соҳа фидойилари билан



сухбатлашдик, уларни расмга олиб ишларингизга кўз тегмасин дедик.

Бўлим бошлиғи Қурбонбой Сейдановнинг ветврачлик ортидан кадр топганига эса 30 йилдан ошди. У шу йиллар орасида турли лавозимларда меҳнат қилди. Элликқалъа тумани ветеринария бўлимига раҳбарлик қилган кезларда ўнлаб ёшларни Самарқандга, МДХ мамлакатларидаги ветеринария институтларига ўқишга кузатди, “Сен албатта талаба бўлишинг керак” дея рухлантирди.

– Минглаб тўйларда хофизлик қилиб одамларнинг кўнглига қувонч улашганман. Айни чоғда бу машгулот билан ўғлим шуғулланыпти. Негадир одамлар мени хофиз сифатида эмас, кўпроқ ветврач сифатида тилга олишади. Балки ветврачлик сабаб борган хонадонга кутбарака келгани туфайлидир. Ахир касал мол оёққа туриб кетса, сигир эгиз туғса, мулк эгаси учун бундан ортик бахт борми?.. Хофиз эса кўшиқ айтиб пулини олади, уни фақат тўйга, қувончли кунга айтадилар. Жониворларни даволаб даромадга даромад қўшадиган кишини эса тез-тез соғиниб қоладилар.

Қурбонбой аканинг эътироф этишича, қаердаки иқтидорли ёшлар бағридарё устозлар кўмагида тарбия топаётган бўлса, ўша жойда муаммо йўқ. Чунки институтни битирган, кўлига диплом олган йигит ё киз афеуски, кўп нарсани билмайди, тажрибали ветврач кўлига тушган ёш мутахассис меҳнатдан қочмаса, молхонанинг сассиғию балчикдан жирканмаса, пешонаси терлаб ишласа нони бутун бўлади.

– Касбидан кадр топган одам асло кам бўлмайди. Худди менга ўхшаб, – дейди Қурбонбой Сейданов.

Хоразм вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Маримбой Султоновнинг таъкидлашича, ветеринария ходимлари томонидан чорва молларига пуллик хизмат кўрсатиш тизимининг (вилоят ҳокимининг 2021 йил 11 январдаги 6-122-сон ҳужжати билан) расмийлашгани манфа-



атдорликни оширишга имкон яратди. Бошқарма талабига кўра вилоятдаги жами 75 та чорвачилик фермер хўжаликларида (100 шартли ва ундан ортик бўлган чорвачилик ҳамда паррандалар сони 100 минг бош ва ундан юқори бўлган паррандачиликка ихтисослашган хўжаликларда) алоҳида штат асосида ветеринария врач ва зоотехник мутахассисларнинг фаолият юритиши жорий этилди. Бу иш сифати ва самарадорлигини янада



оширишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, жорий йилда жами 55 та чорвачилик тармоқларидаги лойиҳалар ташаббускорлари аниқланди. Бугунги кунгача жами 47 та лойиҳаларда молиялаштириш очилган бўлиб, жами 108 млрд. 826 млн. сўм маблағлар ўзлаштирилган, шундан 52 млрд. 197 млн. сўм банк кредити ва 764 минг АҚШ доллари хорижий кредит маблағлари ажратилган ҳамда ҳамда 126 та янги иш ўринлари яратилди.

– Муҳими, чорвачиликни ривожлантириш, ветеринария хизматини такомиллаштиришга вилоят ҳокимининг ўзи катта эътибор қаратмоқда. Бирор йиғилиш ё учрашув йўқки, чорва тилга олинмасин. Қишлоғга тайёргарлик, сунъий уруғлантириш орқали наслчиликни яхшилаш масалалари ҳам вилоят раҳбарининг диққат-эътиборида турибди, – дейди бошқарма бошлиғи. – Вилоятда эпизоотик осойишталикни таъминлаш мақсадида 2021 йилнинг 6 ойи давомида қорақоқ касаллигига 138633 бош қорамол, 11629 бош МШМ, 67 бош от, 172 бош итлардан қон намуналари, 7993 та сут намуналари, лейкоз касаллигига 447 бош қорамолдан қон намуналари олинди, лаборатория текширувлари ўтказилди. Бошқа касалликлар бўйича ҳам ташхислаш ишлари бир зум бўлсин тўхтагани йўқ.

Маримбой Султоновнинг таъкидлашича, одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган ўта хавфли юқумли касалликлар бўйича жойларда амалга ошириладиган эпизоотик тадбирларни самарали, тўлиқ ва сифатли ўтказиш мақсадида туман ва шаҳарлар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларида ташкил қилинган 59 та эмлаш гуруҳларида 369 нафар мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Бу гуруҳларнинг фаолияти ва ўтказилаётган тадбирлар малакали мутахассислар томонидан назорат қилиниб, амалий ёрдам берилмоқда. Шунингдек, бошқарма ташаббуси билан ўтказилмоқда. Урганч шаҳри, Хива тумани, Янгибозор, Қўшқўпир ҳамда Гурлан туманларида кўйдириги касаллиги бўйича, Тупроққалъа туманида ККГИ касаллиги бўйича кўргазмали семинарлар ўтказилди.

Самарқанд вилояти.

– Вилоятимиз ҳокими Эркинжон Турдимов бошқа соҳалар қатори чорвачилик тизимига ҳам катта эътибор қаратмоқда, – дейди Самарқанд вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Элмурод Тошмуродов. – Чорва наслини яхшилаш, ветеринария тадбирларини ўз вақтида ўтказиш йўналишлари учун керакли маблағлар ажратиб берилмоқда. Вилоят ҳокими тасдиқлаб берган махсус дастурга қўра шу йил охирига қадар қорамоллар бош сонини 1 млн 667 минг бошга, сигирлар сонини 716 минг бошга, қўй-эчкилар сонини 2 560 минг бошга, паррандалар бош сонини 14 млн. 464 минг бошга етказиш ҳамда ўсиб бораётган аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини янада тўлароқ қондириш мақсадида 315,3 минг тонна гўшт (104,3 фоиз), 1 млн 373 минг тонна сут (104,5 фоиз), 1 млрд. 381 млн дона тухум (104 фоиз), 30 минг тонна балиқ (258 фоиз) ишлаб чиқариш белгиланган. Албатта чорвани озукасиз кўпайтириб бўлмайди. Ана шу сабабли ҳам вилоят ҳокими раҳбарлигида 11 минг 384 гектар асосий майдонларга, шундан, 6 минг 662 гектарга беда, 3 минг 162 гектарга макка силоси, 442 гектарга оқ жўхори, 1 минг 118 гектарга ҳашаки лавлаги экинлари жойлаштирилди, 27 минг 869 гектарга ғалладан бўшаган майдон-

ларга такрорий маккажўхори, баҳорги маккажўхоридан бўшаган майдонларнинг 5 минг 452 гектарига оралик экинлар экилди ва парвариш қилинмоқда.

Хабарингиз бор бу йил чорва озукаси нархи кескин кўтарилди. Олдинги сомонпресснинг биттаси 15 минг сўмдан ошди. Бу ўтган йилгидан 5 карра кўп дегани. Илгари ғалла ўрилган жойларни одамлар такрорий экин экиш учун ёкиб юборишарди. Эндиликда сомоннинг ўзи талаш, кўпчилик жойда одамлар ухласдан сомон жамғаришди. Бу қурғоқчилик ва чорва бош сонининг ошиши билан боғлиқ. Ана шу муаммони бартараф этиш учун вилоятимизда озукэ экинлари ҳосилдорлигини оширишга, бу борада олимлар тавсиясига таянишга ҳаракат қилинмоқда. Бу борадаги ишлар ҳам ҳар бир туманда назорат қилинмоқда.

Элмурод Тошмуродовнинг таъкидлашича, бу йил вилоят бўйича жами 360 минг бош сигир ва ғунажинлар сунъий уруғлантирилиши лозим ва бу ишлар вилоят ҳудудий “Чорванасл” марказининг сунъий уруғлантириш шахобчалари ва ветеринария участкалари мутахассислари томонидан намунали ташкил этилган. Шунингдек жорий йилда вилоятда чорвачилик соҳасида 575 млрд 111 млн. сўм маблағ ҳисобига (қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик йўналишларида) жами 128 та лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу ҳам охир-оқибат аҳоли даромадини ошириш, дастурхонимиз



тўқинлигини таъминлашга шароит яратади. Самарқандда бўлган кун бошқарма бошлиғининг ўринбосари Нурбек Шарипов билан суҳбатлашдик.

– Ветеринария хизмати моддий-техник ҳолатини яхшилаш учун кўмита расиси ташаббуси билан ветеринария назорати остидаги объектларни дезинфекция ва дезинсекция қилувчи 1 дона махсус автотранспорт (ДУК), 1 дона совутичкили автомобил (авторефрижатор) берилиши барчамизни беҳад ҳурсанд қилди, – дейди Нурбек Шарипов. – Вилоят ҳокими ташаббуси билан ўтган йил ветучасткаларга 51 дона тўлиқ жихозланган контейнерлар берилган эди. Шу йилнинг олти ойи ичида эса 34 дона контейнер ветврачлар ихтиёрига берилди. Шунинг ўзиёқ нафақат ветврачлар, балки техник-осеменаторлар учун қўшимча қулайлик яратди. Чунки мазкур контейнерлар мутахассисларга маҳаллий ғазна маблағи ҳисобидан олиб берилди. Энди фақат сидқидилдан меҳнат қилиш керак.

Аҳоли зич яшайдиган Ургут туманидаги ветеринария ходимларининг ҳам меҳнати самарали бўлмоқда. Масалан, “Алгар” ветучасткасида. Мазкур ишхонада тажрибали мутахассис Файзулла Раззоқовнинг меҳнат қилаётганига 35 йилдан ошди. Шу ҳудудда уни танима-

ган, хизматидан мамнун бўлиб раҳмат айтмаган кишининг ўзи йўқ.

– Шу кунга қадар 332 бош сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантирдик. Бугун ҳам бешта хонадонга кириб, 14та жониворни кўриб чиқдим. Даволаш, эмлаш ишлари қатори сунъий уруғлантириш сифатига ҳам алоҳида эътибор бераёلمиз. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Низом Турсунов ҳам, ташхис маркази директори Болта Акрамовлар ҳам бизга яқиндан кўмакдош. Бир сўз билан айтганда муаммога ўрин қолдирганимиз йўқ. Насиб этса, журнал обунасини ҳам Ургут тумани биринчилардан бўлиб яқунлайди. Чунки бу нашр ўзимизники, ветеринариянинг ҳақиқий минбариди.

Жиззах вилояти.

– Аҳоли зич яшайдиган ҳудудларга нисбатан чўлнинг киндиги саналган Арнасойда чорва боқиш, кўй-кўзи кўпайтириш имкони бор. Фақат одам дангаса бўлмаслиги лозим. Ўқариқларнинг боши, лотоклар ёни ёввойи ўтларга тўла, арик-зовурлар ичида ҳам камиш кўп. Баъзи фермерларнинг пахта даласини ҳам ўт босиб кетган. Бу ҳам моллар учун кўшимча озуқа бўлиши мумкин. Фақат такрор бўлса-да айтмай, эринмаслик керак. Биз эса зиммамизга юклатилган вазифани ўз вақтида сифатли бажаришга ҳаракат қиляпмиз. Ахир чорва иссиқ жон, баъзан иситмаси чиқади. Ўз вақтида эмлаш ишлари бажарилиши лозим. Чўл ҳудудида кўпчилик чорвадорлар мулкни сақлаш мақсадида уч-тўрт талаб зотдор ит боқишга ҳаракат қилади. Агар бу жониворларни бирортаси кутириш ва бошқа касалликларга қарши эмланмай қолса борми, муаммо туғилиши тайин. Шу боис туман ҳудудидаги барча жонзотларни қаттиқ назоратга олишга интиляпмиз, – дейди

Арнасой туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Нодир Қосимов. – Афсуски, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Аввало, 17 яримта штат бирлиги бўлган бўлимнинг ҳам, туманнинг турли ҳудудларидаги ветучасткаларнинг ҳам биноси йўқ. Ижарада, туман марказида қурилган намунали уйларнинг бирида пул тўлаб, омонатгина турибмиз. Ишхонамизда оёқ ости бетон, тахта қилай, десак бино ўзимизники эмас, кўч-кўронингни кўтар, деса уйни бўшатишга мажбурмиз. Ишхонамиз йўқлигини, уни янгидан қуриш лозимлигини, ветучасткаларга ҳам жой ажратиш, бино қуриш лозимлигини бир неча бор туман ҳокимига айтганмиз, хат билан мурожаат ҳам қилдик. Фойдаси бўлмапти. Аниқ фикр ё таклиф айтилгани йўқ. Айтиш керак, бир неча йиллар муаммо ҳал бўлмади. Уларнинг иккитасида микроскоп бор холос. Ветврачларнинг моддий-техник аҳолини яхшилаш керак, жуда керак, аммо бу масала ҳам туман ҳокими эътиборидан четда қолмоқда.

Бўлим бошлиғининг эътирофи этишича, туманда 22 та қорамолчилик ва кўйчилик йўналишида, 10 та



паррандачилик йўналишида фермер хўжаликлари фаолият олиб бормоқда. Фермерлар кам таъминланган оилаларга камбағалликдан чиқариш дастурига кўра зотдор қорамоллар беришди, кичик бир ховлисида кўй-кўзи, паррандаю қуён боқишга киришган кишилар ҳам кўпайиб бормоқда. Афсуски, шунча чорвачилик соҳасида ютуқлар, имкониятлар кенгайиб бораётган бўлса-да ветеринария ва чорвачилик бўлимининг иқтисодий аҳоли ўнлангани йўқ.

Мирзачўл туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Саврон Шарифуллаевнинг сўзларига қараганда туман ҳокими Шерзод Аҳмедов чорвачилик қатори ветеринарияни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Айтиш керак, туман ҳокими қарорига кўра қушхона қуриш учун ер ажратилди. Кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Отабек Омонов сифатли гўшт тайёрлаш ва сотишни йўлга қўйиш мақсадида қушхона ва фирма дўкони қуришни бошлаб юборган. Бу замон талаби, қушхона керак, жуда керак, мол тоза, озода бўлиши керак, ветврач хулосаси билан сотувга чиқарилса бундан одамлар манфаат топади. Гўшт тайёрлаш ва савдосини ташкил этишда ҳам тартиб-интизом қарор топади. Умуман олганда туманда 70 дан ортиқ чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлар

ўз фаолиятини юритмоқда, шуларнинг 5 таси туячилик билан банд. – Янтоқ еган туянинг сути жуда шифобахш. Бу неъмат жигар хасталигида жуда яхши самара беради. Табиий қувватни ошириш, ошқозон-ичак тизими хасталигини даволашда ҳам туя сутининг хосияти бекиёс. Шу боис кўпчилик фермерлар туя боқишга астойдил киришмоқда. Меҳмонхона курсангиз, туя сути билан даволашга тиббиёт талабини унутмаган ҳолда киришсангиз албатта катта наф қўрасиз. Жониворларнинг саломатлигию сутининг сифатли бўлишида биз мулкдорларга ўз маслаҳат ва кўмагимизни бераёلمиз. Умуман олганда туманимизда чорвадору ветврач ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган, – дейди **бўлим бошлиғи Саврон Шарифуллаев.** – Яна бир қувончли хабар шундаки, бу йил Мирзачўл туман ҳокими тасдиқлаб берган 2 та лойиҳага кўра Европа давлатларидан минг бош зотдор ғунажинлар олиб келинади. Агар бу хайрли иш рўёбга чиқса ветврачларнинг иши янада ортади, бундан ташқари наслчилик билан шуғулланишга жиддий киришган чорвадорлар тумандаги кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳам эътибор берадилар. Ахир минг бош ғунажин келди дегани, бир неча ой ўтиб яна шунча бузук туғилди деганида. Фермернинг моли кўпайса, бузуклар сони ортса, бир қисмини албатта сотади, банк кредити эвазига одамларга беради. Шу орқали Мирзачўл мол бозориди ҳам нархнаво меъёрлашади.



Абдунаби Алиқулов

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЙЛАР БРАДЗОТ КАСАЛЛИГИНИНГ ЭПИЗООТОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

Аннотация

В статье приведены результаты изучения эпизоотологии браздота овец в Узбекистане. Методы постановки диагноза на данное заболевание с учетом эпизоотологической ситуации, течения и проявления клинических признаков болезни, а также характерные патологоанатомические изменения, постановки окончательного диагноза на основании бактериологических исследований с выделением возбудителя болезни в лабораторных условиях и проведения биопробы на чувствительных лабораторных животных.

Калит сўзлар: браздот, қўзгатувчи, *Cl.Sepcticum*, *Cl.Oedematiens*, биологик синов, Кумт-Тароқци, анаэроб.

Мавзунинг долзарблиги. Браздот билан насли ва ёшидан қаътий назар кам ҳаракат қилувчи ва юкори семизликдаги қўйлар касалланади. Касаллик йилнинг барча (кўпроқ куз, қиш, баҳор) фаслларида кузатилади. Браздот касаллигининг пайдо бўлишида қўйларни қиш ва эрта баҳорда қиров ва шудрингда боқиш, уларнинг турли гельминтозлар билан касалланиши натижасида оқсил, витамин ва минерал моддалар алмашинуви бузилиши натижасида организм резистентлигининг пасайиши асосий омиллар ҳисобланади. Касаллик асосан яшин тезлигида ва ўта ўткир шаклларда кечади. Касалланган қўйлар жуда қисқа вақт ичида (20-30 дақиқа, баъзида 2-8 соат) да нобуд бўлади. Браздот касаллигидан келаётган иқтисодий зарар жуда катта бўлиб, отарлардаги 30-35% қўйларнинг касалланиб, уларнинг 90-100% гача нобуд бўлиши кузатилади. Ушбу касалликни даволаш ишлари қутилган натижани бермайди. Касаллик қўзгатувчиси яйловларда, озуқа, ичимлик суви ва тупроқ орқали юқади. Браздот касаллиги қўзгатувчиларининг споралари ташқи таъсирларга ўта чидамли бўлганлиги сабабли, табиатда касаллик ўчоқлари доимий сакланиб қолади ва уларни йўқ қилиб бўлмайди.

Касаллик тарихи ва иқтисодий зарари. Қўйлар браздоти касаллигини 1888 йилда Н.Нильсон Норвегияда касалланган қўйдан бациллани ажратиб, бу касалликнинг куйдирги эмаслигини ҳамда ўткир кечадиган юқумли касаллик эканлигини исботлаб берган ва унга 1922 йил *Cl.Ostridium septicum* деб ном берилган. Кейинчалик, Гайгер бу қўзгатувчидан ташқари *Cl. Oedematiens* ҳам касаллик қўзгатувчиси эканлигини исботлаган. Браздот касаллиги Европанинг шимолий

Summary

The article presents the results of studying the epizootology of sheep bradzet in Uzbekistan. Methods for making a diagnosis for this disease, taking into account the epizootological situation, the course and manifestation of clinical signs of the disease, as well as characteristic pathological changes, making the final diagnosis based on bacteriological studies with the isolation of the causative agent in laboratory conditions and conducting a bioassay on sensitive laboratory animals.



(Исландия, Дания, Норвегия, Шотландия) мамлакатларида аниқланган. Касаллик Австрия, ГДР, Англия, Жанубий ва Шимолий Америка ва бошқа мамлакатларда ҳам учраган. Қўйлар браздоти Кавказорти давлатлари, Ўрта Осиё республикалари ва Байкал ортида кенг тарқалган. Касаллик Ўзбекистоннинг Бухоро вилояти ҳудудида қўйларда аниқланганлиги К.А.Андреев (1926) томонидан қайд қилинган.


Браздот касаллигидан келадиган иқтисодий зарар жуда катта бўлиб, касалликни даволаб бўлмаглиги, қўйларни қисқа вақт ичида ўлиши, мажбурий сўйилган қўйларнинг гўшти истеъмолга яроқсизлиги сабабли уларни ёқиб йўқотилиши, профилактик чора-тадбирла-

ри учун кетган харажатлар иктисодий зарарнинг асосидир.


Тадқиқот материаллари ва услублари. Қўйлар браздот касаллигининг эпизоотологик ҳолатини ўрганиш учун Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларидаги айрим туманларнинг қўйчилик хўжалиқларига хизмат сафарлари ташкил қилинди. Ушбу хўжалиқларда фаолият кўрсатаётган ветеринария мутахассислари билан биргаликда қўйларнинг браздот касаллиги ҳақида маълумотлар йиғилди. Ушбу ҳудудларнинг қўйлар браздоти бўйича эпизоотологик ҳолати ўрганилди. Текшириш давомида браздот касаллиги баъзи яйловларда, қўтонларда, уйларда боқилаётган қўйлар орасида тез-тез учраб туриши аниқланди.

Юқорида келтирилган вилоятларнинг айрим туманлари хўжалиқларида қўйларнинг браздот касаллиги қўзғатувчиларининг штаммларини ажратиш, уларнинг культурал-морфологик ва биологик хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Браздот касаллигига учраган носоғлом хўжалиқларда касаллик қўзғатувчисини ажратиш мақсадида нобуд бўлган қўйлардан бактериологик текшириш учун (жигар, юрак, буйрак, найсимон суяк ва жароҳат жойидан мушак бўлакчалари) патологик намуналар олинди.

Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг микробиология лабораториясида браздот касаллигига ташхис қўйиш мақсадида лаборатория шароитида ташхис қўйиш йўриқномаси, услублари ва асептика тартиб қоидаларига риоя қилган ҳолда олинган материаллардан буюм ойначаларига босма суртмалар тай-



1-расм. Ўсган экмалар озуқа муҳитлар рангини хиралаштириб, вазелин ёғи остида кўпиксимон ҳаво пуфакчалари пайдо бўлганлиги кузатилди.



2-расм. Грам усулида бўялган микропрепаратлар текширилганда касаллик қўзғатувчисининг шакли тўғри ва бироз қайрилган, учлари ярим айлана, ипсимон, калта занжирчалар шаклида жойлашган эни 0,8-1,0 узунлиги 5-1,0 мкм Грам мусбат бациллалар борлиги кузатилди.

ёрланиб, грамм усулида бўялди ва бактериологик текширилди. Текшириш давомида Китт-Тароцци озиқа муҳитидан фойдаландик. Бунинг учун материал юзаси киздирилган скалпель билан куйдирилиб, ўша жойга Пастер пипеткаси санчилиб, стерил ҳолда суюқлик олинди ва Китт-Тароцци озуқа муҳитига экилиб, ўстириш учун 37-38°C га термостатга қўйилди.

Тадқиқот натижалари. Қўйларнинг браздот касаллиги юртимизнинг Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Тошкент вилоятларидаги айрим туманларнинг аҳоли пунктларида ва қўйчилик хўжалиқларида учраб туриши аниқланди.

Текширишлар натижасида кам ҳаракат қиладиган ва семизлиги юқори қўйларнинг касалланиши, катта қўйлар асосан яйловда боқилганда, ёш қўзилар эса қўтонда ёки уй шароитида касалланиши аниқланди. Касаллик йилнинг об-ҳаво совуқ вақтлари (яъни қиш, куз, баҳор фаслларида) кўпроқ учраши кузатилди. Қўйларни яйловда қор-қировли ва шудринг тушганда боқиш, организмнинг ҳаддан ташқари совқотиши ёки жуда кизиб кетиши, гельминтлар билан зарарланиши, организмда оксил ва минерал моддаларнинг етишмаслиги каби омиллар натижасида организм резистентлигининг пасайиши, овқат ҳазм қилиш тизимига касаллик қўзғатувчиларининг тушиши ва жадал ривожланиши оқибатида браздот касаллиги пайдо бўлиши тадқиқотларимизда ўз исботини топди. Касалликка ташхис қўйиш эпизоотологик маълумотлар, патологоанатомик ва лаборатория текширишлари асосида амалга оширилди.



Кўйларни эмлаш жараёни.

Шу билан бирга касалликка тўғри ташхис қўйиш усуллари ўзлаштирилди. Касалликни бошқа ўхшаш касалликлардан фарқлаш ўрганилди. Кўйларнинг браздот касаллиги бўйича носоғлом аҳоли пунктларидан касаллик кўзгатувчиларининг маҳаллий штаммларини ажратиш ва уларни культурал-морфологик, физико-кимёвий ва биологик хусусиятларини аниқлаш мақсадида жорий йилда институтга Самарқанд ва бошқа вилоятларнинг кўйчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари ва аҳоли қарамоғидаги касалликка чалиниб ўлган кўйлардан патологик намуналар келтирилиб, бактериологик текшириш ишлари амалга оширилди, аниқ ташхис қўйилди. Мазкур муаммо бўйича мурожаат этган фермерлар ва шахсий хўжалик эгаларига илмий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатилди. Дастлаб ўша фермер хўжалигининг ва ҳайвон эгаларидан эпизоотологик маълумотлар сўралди, анамнез маълумотлари ўрганилди. Жойларда касалликнинг клиник белгилари ва ҳайвон ўлган ҳолатларда патологоанатомик ўзгаришлари таҳлил қилинди. Ўлган ҳайвонлардан лаборатория текширишлари учун патологик намуналар (юррак қони билан, жигар, буйраклар, жароҳат жойларидан мушак бўлакчалари) олинди ва бактериологик текширишлар ўтказилди.

Касалликка аниқ ташхис қўйишда ажратилган кўзгатувчини денгиз чўчқачаларига юктириш (биологик синов) тадқиқотлари амалга оширилди. Биологик синовдаги клиник белгилар, патологоанатомик ўзгаришлар ва микробиологик текширишлар натижалари асосида браздот касаллигига ташхис қўйилди.

Браздот касаллиги бўйича носоғлом хўжаликларда яйловга ҳайдашдан 30-45 кун аввал кўйларни браздот касаллигига қарши вакцина билан эмлаш тавсия қилинади. Вакцина 12-14 кун оралиқ билан икки марта; қатта кўйларга биринчи марта - 2 мл, иккинчи мар-

та-3 мл; 6 ойликгача бўлган кўзиларга биринчи марта - 1 мл, иккинчи марта-1,5 мл орқа оёқнинг ички жунсиз қисмига, мускул орасига юборилади. Қайта эмлангандан кейин 10-12 кун ўтгач, иммунитет ҳосил бўлади ва 6 ой давомида сақланади.

Касаллик чиққан хўжаликка чеклов қўйилиб, хўжалик эмланмаган кўйларни ушбу ҳудуддан ҳайдаб ўтиш, йиғилган озуқани олиб чиқиш тақиқланади. Ўлган кўйлар ва уларнинг гўнглари, озуқа қолдиқларини ёқиш, ўша жойни яхшилаб тозалаш, сўнг 3%-ли фаол хлорли оҳак, 5%-ли ўювчи натрий ва 5%-ли формальдегид билан ишлов беришни бир соат оралиқ билан икки марта амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Хулосалар: 1. Республикамиз ҳудудларида браздот касаллигининг тарқалишида йил фаслларининг муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Касаллик қиш, баҳор ва куз ойларида камҳаракат ва семизлиги юқори бўлган кўйларда учраб туриши, кўйларни яйловда қор-қировли ва шудринг тушганда боқиш, организмнинг ҳаддан ташқари совқотиши ёки қизиби кетиши, гельминтлар билан зарарланиши, организмда оксил ва минерал моддалар етишмаслиги, овқат хазм қилиш тизимига касаллик кўзгатувчисининг тушиши ва ривожланиши оқибатида касаллик пайдо бўлиши аниқланди.

2. Касалликка тўғри ташхис қўйишда эпизоотологик маълумотлар клиник белгилар, патологоанатомик ўзгаришлар, бактериологик ва микроскопик текшириш натижалари ҳамда биологик синов ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Браздот касаллигини олдини олиш ва қарши курашишда кўйларни яйловга ҳайдашдан 30-45 кун аввал браздот касаллигига қарши вакцина билан эмлаш зарур. Касаллик чиққан хўжаликка чеклов қўйилиб, хўжалик эмланмаган кўйларни ушбу ҳудуддан ҳайдаб ўтиш, йиғилган озуқани олиб чиқиш тақиқланиши, дезинфекция ишларини ветеринария-санитария тартиб қоидаларига мувофиқ амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.А. Шевченко, Л.В. Шевченко, Д.Ю. Зеркалев, О.Ю. Черных, Г.А. Джаилиди «Профилактика и мероприятия по ликвидации Браздот овец коз» Краснодар-2013.
2. Н.В. Литусов Бактериоскопические методы исследования Иллюстрированное учебное пособие Екатеринбург, 2015. 49.
3. Салимов Х. С., Қамбаров А.А. “Эпизоотология” Т. 2016. 304-308с.
4. Р.Г. Госманов, Н.М. Колычев, А.А. Барсков “Практикум по ветеринарной микробиологии и иммунологии” Омск 2006. 248

УДК 619+636.7

Жасурбек Баходирович Юлчиев, ассистент, PhD,
Жалолиддин Мансуров, магистрант,
Самарқанд ветеринария медицинаси институтиСУТ БЕЗИ ЎСМАСИДА ИТЛАР ҚОНИНИНГ МОРФОБИОКИМЁВИЙ
ВА ИММУНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Аннотация

Ўсмаларни келиб чиқиши сабаблари ҳозирги пайт-гача тўлиқ аниқланмаган ва уни ривожланиши жараёнида организмнинг қайси тизимларига қандай таъсир қилиши онкология фани олдида турган муҳим вазифадир. Ушбу мақолада сут беzi ўсмаси билан касалланган итлар қонида содир бўладиган морфологик, биокимёвий ва иммунологик ўзгаришлар келтирилган бўлиб, ушбу кўрсаткичлар организмда патологик жараёнларнинг ривожланиши тенденцияси, ҳайвон умумий ҳолатини мониторинг қилиши ҳамда даволаш стратегиясини асослаш учун замин яратди.

Annotation


Today, as a result of the growing interest in the in-depth study of human and animal diseases, a number of important issues in veterinary oncology have begun to be addressed. Because the causes of tumors are not yet fully understood, and how they affect which systems of the body during development is an important task facing the science of oncology. This article describes the morphological, biochemical and immunological changes that occur in the blood of dogs with breast cancer, and these indicators provide a basis for monitoring the general condition of the animal and the development strategy of pathological processes in the body.

Калим сўзлар: онкология, иммунология, сут беzi ўсмаси, эритроцит, лейкоцит, тромбоцит, гемоглобин, морфобиокимёвий кўрсаткичлар, Т-ва В- лимфоцитлар, Т-супрессорлар, Т-хелперлар, Т-РОК даражаси, В-РОК даражаси.


Мавзунинг долзарблиги. Ўсмалар табиатда кенг тарқалган бўлиб, нафақат одамларда, балки ҳайвонот оламининг барча турларида, шу жумладан уй ҳайвонларида ҳам кенг учраб туради [2, 5]. Охириги йилларда ҳайвонларда ҳам хирургик касалликлар орасида кенг тарқалиб бораётган патология - бу ўсмалар патологияси бўлиб, умумий касалликларнинг 5-10% ини ташкил қилмоқда [6, 7]. Ўсмалар муаммоси биологик ва тиббиёт - ветеринария нуқтаи назардан қизиқиш туғдиради. Ҳозирга келиб ветеринария соҳасининг ривожланиши айниқса майда ҳайвонлар патологиясини ўрганишнинг чуқурлашиши натижасида итлар орасида тарқалган онкопатология муаммоси жуда кўп учраши ҳамда ҳал қилиш йўллариининг мураккаблиги жиҳатидан муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда [3, 8]. Статистик маълумотларга

қараганда итлар орасида ўсмаларнинг тарқалиш даражаси инсонларда учраш даражасидан ҳам юқори ҳисобланади [8]. Сут беzi ўсмалари таъсирида организмда чуқур ўзгаришлар содир бўлиб, бу уларнинг қон кўрсаткичлари, иммун тизими фаолиятига ҳам салбий таъсир қилади [1,4]

Материаллар ва методлар. Самарқанд ветеринария медицинаси институти “Ветеринария профилактикаси ва даволаш” факультети “Ветеринария жарроҳлиги ва акушерлик” кафедраси қошидаги хирургик клиникага келтирилган ўсма билан касалланган итлардан тажриба гуруҳи тузилиб, ҳар бир итдан қон олиниб, уларни морфологик, биокимёвий ва иммун кўрсаткичлари доимий равишда текшириб борилди. Шунингдек, ўсмалар оператив усул билан олиб ташланиб, ўсма тўқималари онкологик марказларда



1-расм. Сут беzi ўсмаси билан касалланган итлар қонининг морфобиокимёвий кўрсаткичлари



2-расм. Сут беzi ўсмаси билан касалланган итлар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари

гистологик текширилиб, ўсманинг тури, хавфли ёки хавфсиз эканлиги, тўқима тури аниқланди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Тажрибадаги сут беzi ўсмалари билан касалланган итларда қон намуналарини текшириш тажрибалар бошида, тажрибаларнинг 10-, 20- ва 30-кунлари текшириб борилди.

Сут беzi ўсмаси билан касалланган итлар қонидаги эритроцитлар сони тажрибалар бошида ўртача $4,34 \pm 0,28$ млн/мкл кўрсаткичга эга бўлган бўлса, тажрибалар давомида даволаш натижасида ушбу кўрсаткич ўртача $6,0 \pm 0,15$ млн/мкл га тенг бўлиб, дастлабки кўрсаткичга нисбатан 38,2% га ошганлиги, лейкоцитлар сони эса тажрибалар бошида ўртача $12,47 \pm 0,2$ минг/мкл га тенг бўлган бўлса, тажриба якунида бу кўрсаткич $10,4 \pm 0,22$ минг/мкл гача, яъни 16,4% га камайганлиги аниқланди.

Касалитларқонзардобидаги умумий оксилмиқдори тажриба бошида физиологик меъёр кўрсаткичларидан паст, яъни ўртача $38,0 \pm 0,23$ г/л эканлиги аниқланган бўлиб, тажриба охирига келиб ушбу кўрсаткич дастлабки кўрсаткичга нисбатан ўртача 28,9% га ($p < 0,05$) ошганлиги, яъни $49,0 \pm 0,27$ г/л га тенг эканлиги кузатилди. Итлар қонидаги глюкоза миқдори тажриба бошида $3,5 \pm 0,83$ ммоль/л га тенг бўлса, даволаш тажрибалари натижасида тажрибалар охирида дастлабки кўрсаткичга нисбатан 53,5% га ($p < 0,05$) ошганлиги, яъни $5,3 \pm 0,73$ ммоль/л эканлиги қайд қилинди. Шуниндек, қондаги креатинин миқдори тажрибанинг бошида $15,0 \pm 0,45$ мкмоль/л, тажриба охирига келиб бу кўрсаткичнинг 16,7% га ($p < 0,05$) ошганлиги, яъни $17,5 \pm 0,46$ мкмоль/л га тенг эканлиги аниқланди. Қон зардобидаги мочевина ва умумий билирубин миқдори касаллик натижасида организмда кескин ортган, яъни мочевина миқдори ўртача $11,2 \pm 0,56$ ммоль/л ни, умумий билирубин миқдори ўртача $14,2 \pm 0,68$ ммоль/л ни ташкил этган бўлса, тажриба якунига келиб мочеви-

на миқдори $10,0 \pm 0,55$ ммоль/л ва умумий билирубин миқдори эса $10,6 \pm 0,53$ ммоль/л га камайганлиги қайд этилди (3-расм).

Операциядан олдинги дастлабки иммунологик текшириш натижалари нисбий кўрсаткичлари Т-РОК даражаси 41%, В-РОК даражаси 5%, Т-хеплерлар 29%, Т-супрессорлар 9%, мутлок кўрсаткичлар Т-РОК 377.2/мкл, В-РОК 46/мкл бўлган бўлса, циклофосфан препаратини қўллагандан кейинги иммунологик текшириш натижалари нисбий кўрсаткичлари Т-РОК даражаси 53%, В-РОК даражаси 17%, Т-хеплерлар 39%, Т-супрессорлар 7%, мутлок кўрсаткичлар Т-РОК 1119.3/мкл, В-РОК 359/мкл ташкил этди.

Сут беzi терисининг ясси хужайра раки билан касалланган итларда операциядан олдинги иммунологик текшириш натижалари нисбий кўрсаткичлари Т-РОК даражаси 39%, В-РОК даражаси 4%, Т-хеплерлар 27%, Т-супрессорлар 8%, мутлок кўрсаткичлар Т-РОК 264/мкл, В-РОК 27.1/мкл бўлган бўлса, циклофосфан препаратини қўллагандан кейинги иммунологик текшириш натижалари нисбий кўрсаткичлари Т-РОК даражаси 43%, В-РОК даражаси 16%, Т-хеплерлар 36%, Т-супрессорлар 8%, мутлок кўрсаткичлар Т-РОК 1330.5/мкл, В-РОК 394.2/мкл ташкил этди.

Сут безининг муциноз аденосаркомаси билан касалланганларида операциядан олдинги дастлабки иммунологик текшириш натижалари нисбий кўрсаткичлари Т-РОК даражаси 38%, В-РОК даражаси 6%, Т-хеплерлар 28%, Т-супрессорлар 9%, мутлок кўрсаткичлар Т-РОК 1039.6/мкл, В-РОК 164.1/мкл бўлган бўлса, операциядан сўнг циклофосфан препаратини қўллагандан кейинги иммунологик текшириш натижалари нисбий кўрсаткичлари Т-РОК даражаси 56%, В-РОК даражаси 19%, Т-хеплерлар 36%, Т-супрессорлар 16%, мутлок кўрсаткичлар Т-РОК 4102.5/мкл, В-РОК 1392/мкл ташкил этди.

Ўсма билан касалланган итлар қонининг операциядан олдинги иммунологик текшириш натижалари.

	Ўсмаларнинг тури	Ҳайвонлар сони	Т-лимфоцитлар (РОК) сони, %		В-лимфоцитлар (РОК) сони, %		Сони	
			А	Б	А	Б	Т-хеплерлар	Т-супрессорлар
1	Сут беги аденокар-циномаси	5	41±1,0	377,2±0,8	5,0±0,7	46±0,1	29±0,5	9±0,05
2	Сут беги терини ясси хужайра раки	3	39±1,0	264±1,2	4,0±0,6	2,71±0,8	27±0,4	8±0,04
3	Муциноз аденосар-кома (сут беги)	3	38±1,0	1039,6±1,55	6±0,02	164,1±1,05	28±0,5	7±0,05
4	Сут беги каналчалари аденокар-циномаси	3	35±0,9	151,2±0,84	7±0,6	30,2±1,1	27±0,45	7±0,05
5	Сут беги муғизланмаган ясси-хужайрали раки	3	34±0,95	465±1,08	4±0,6	54,7±1,3	26±0,5	9±0,05

Сут беги каналчалари аденокарциномаси билан касалланган операциядан олдинги дастлабки иммунологик текшириш натижалари нисбий кўрсаткичлари Т-РОК даражаси 35%, В-РОК даражаси 7%, Т-хеплерлар 27%, Т-супрессорлар 7%, мутлоқ кўрсаткичлар Т-РОК 151,2/мкл, В-РОК 32,2/мкл бўлган бўлса, операциядан сўнг циклофосфан препаратини қўллагандан кейинги иммунологик текшириш натижалари нисбий кўрсаткичлари Т-РОК даражаси 58%, В-РОК даражаси 18%, Т-хеплерлар 43%, Т-супрессорлар 21%, мутлоқ кўрсаткичлар Т-РОК 1834/мкл, В-РОК 589,1/мкл ташкил этди.

Сут беги муғизланмаган ясси хужайрали раки билан касалланган итларда олдинги дастлабки иммунологик текшириш натижалари нисбий кўрсаткичлари Т-РОК даражаси 34%, В-РОК даражаси 4%, Т-хеплерлар 26%, Т-супрессорлар 9%, мутлоқ кўрсаткичлар Т-РОК 465/мкл, В-РОК 54,7/мкл бўлган бўлса, операциядан сўнг циклофосфан препаратини қўллагандан кейинги иммунологик текшириш натижалари нисбий кўрсаткичлари Т-РОК даражаси 47%, В-РОК даражаси 17%, Т-хеплерлар 37%, Т-супрессорлар 16%, мутлоқ кўрсаткичлар Т-РОК 2170/мкл, В-РОК 785/мкл ташкил этди.

Хулоса.

1. Итларда сут беги ўсмаларининг ўсиши ва ривожланиши организмнинг барча тизимлари фаолиятига салбий таъсир қилиши билан биргаликда қондаги эритроцитлар сонининг ўртача 4,34±0,28 млн/мкл, гемоглобин миқдори - 97,8±0,85 г/л, умумий оксил - 38,2±0,23 г/л, глюкоза - 3,6±0,89 ммоль/л ва креатининни - 17,0±0,65 мкмоль/л гача камайиши, шунингдек, мочевиани - 9,2±0,23 ммоль/л ва умумий билирубин концентрациясини - 14,2±0,68 ммоль/л га ошиши кузатилади.

2. Сут беги ўсмаларининг салбий таъсири натижа-сида организм иммун тизими фаолиятининг пасайиши қайд этилиб, хавфли ўсмалар пайтида Т - лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичларининг ўртача - 41,0±1,0 %, мутлоқ кўрсаткичларини - 377,2±0,8 мкл, В - лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичларини - 5,0±0,7 %, мутлоқ кўрсаткичларини - 46,0±0,1%, Т - хеплерларни - 29,0±0,5 %, Т - супрессорларни - 9,0±0,05% гача, хавфсиз ўсмалар пайтида Т - лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичларини - 38,0±1,0%, мутлоқ кўрсаткичларини - 1039,0±1,55 мкл, В - лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичларини - 6,0±0,02%, мутлоқ кўрсаткичларини - 164,1±1,0 мкл, Т - хеплерларни - 28,0±0,5%, Т - супрессорларни - 9,0±0,05% гача камайиши характерли бўлади.

3. Ўсма билан касалланган итларда ўсмаларни хирургик йўл билан эрта босқичларда олиб ташлаш даволаш самарадорлиги ортишига, ўсманинг организмга умумий таъсирини камайитиришига хизмат қилади.

3. Ўсма билан касалланган итларда ўсмаларни хирургик йўл билан эрта босқичларда олиб ташлаш даволаш самарадорлиги ортишига, ўсманинг организмга умумий таъсирини камайитиришига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Нарзиев Б.Д., Юлчиев Ж. Иммуностимулирующая терапия при опухолях собак. Самаркандский сельскохозяйственный институт.

2. Нарзиев Б.Д., Дилмуродов Н.Б., Юлчиев Ж.Б. Итларда сут беги ўсмаларининг диагностикаси, даволаш ва олдини олиш бўйича тавсиянома. // Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган. 04.04.2019 й. «Ф.Насимов» ХТ. – Самарқанд, 2019. 24 б.

3. Нарзиев Б.Д., Юлчиев Ж.Б. Диагностика и лечение опухолей молочной железы собак. // Материалы международной научно-практической конференции в рамках XXVIII международной специализированной выставки «Агрокомплекс-2018». Башкирия. – Уфа. 2018 г. Часть 2. С. 155-162.

4. Нарзиев Б.Д., Р.М.Таштемиров, Юлчиев Ж.Б. Итларда таносил саркомани даволашда қондаги ўзгаришлар. // Ёш олимлар, катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчиларнинг “Обод турмуш йили”га бағишланган илмий-амалий анжумани тўплами, – Самарқанд, 2013 йил.

5. Юлчиев Ж.Б., Нарзиев Б.Д., Абдурашитов М. Итларда сут беги ўсмаларининг тарқалиши ва уларни даволаш // “Зоо-ветеринария”, Тошкент, 2016. - № 3. - Б. 22-25. (16.00.00: №4).

6. Юлчиев Ж.Б. Итлар орасида ўсмаларининг тарқалиши олдини олиш ва даволаш чора-тадбирлари. // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалик” журналининг “Агро илм” илмий иловаси. – Тошкент, 2017. - № 2 (46). - Б. 57-58. (16.00.00: №1).

УДК 619.616.993.192.615.084

Н.У.Каримова, таянч докторант,
А.Ғ.Ғафуров, илмий раҳбар, профессор,
Ветеринария илмий-тадқиқот институти

КАНАЛАРДАН ОГОҲ БЎЛИНГ!

Аннотация

В статье приведены сведения о иксодовых клещей и их значении при распространении инвазионных и инфекционных болезней крупного рогатого скота, а также рекомендованы современные методы борьбы против иксодовых клещей.

Калим сўзлар: кана, касаллик, юкумли, юкумсиз иксод пироплозмидоз, Крим-Конго, ҳайвонлар, одамлар.

Кириш. Каналар минг йиллар аввал ҳам табиатда кенг тарқалган бўлиб чорва молларига ва инсонларга катта хавф туғдириб келган. Аксарият ҳолда паразитоформ оиласига кирувчи Ixodoidea –иксодоид каналари инсон ва ҳайвонларнинг турли хил инвазион ва инфекция касалликлари эпизоотологиясида катта аҳамиятга эга. Улар ҳайвон ёки инсон танасида паразитлик қилиш билан бир вақтда қўтир, қичима каби касаллик қўзғатувчиларининг ҳам асосий ташувчилари бўлиб ҳисобланади. Жумладан, иксод каналари қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг пироплазмидоз, геморрагик иситма, ку-лихорадка ва бошқа касаллик қўзғатувчиларининг соғлом мол ёки инсон танасида текинхўрлик қилиш орқали юқтиради.

Каналар ва улар келтириб чиқарадиган касалликлар.

Ветеринария медицинаси соҳасида акариформес ва паразитоформес туркум вакиллари ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Акариформес туркуми барча каналарнинг кўпчилигини ўз ичига олади. Улар бошқа каналарга нисбатан жуда кичкина бўлиб, кекирдаги, сигма ва қорин қалқони бўлмайд. Оёқ панжаларида сўрғич ва тирноқлари бор. Жинсий белгиси яхши ривожланган. Ушбу туркумдан саркоптоида қўтир каналари ва аналге зоида пат каналари катта иқтисодий зарар келтириши билан ифодаланади.

Паразитоформес туркуми акариформес туркумига қараганда бирмунча камроқ. Бу туркумдан гамозоида (гамзоид) ва иксодоида (иксодид) каналари кенг тарқалган бўлиб, чорвачиликка катта зарар еткази. Иксодидларни боши кўкрак қисми билан бирлашиб, “бошкўкрак”ни ташкил қилади. Бундай каналарни танаси бирлашган бўлиб, бўлимларга бўлинмайди, оёқлари бўғимлардан ташкил топганлиги учун улар бўғимоёқлилар дейилади.

Уларнинг асаб тизими томоқ олди нерв тугуни кўкрак нерв занжири билан бирлашган ҳолда бўлади. Бўғимоёқлиларда рецептор системаси вазифасини сенсиллалар бажаради. Сенсиллалар ёрдамида озиқ-овқат манбаини, жинс, ҳарорат ҳамда кимёвий моддани аниқлайди. Сенсилладан импульс нерв толалари орқали асаб тизимига узатилади.

Annotation

The article provides information about ixodid ticks and their significance in the spread of invasive and infectious diseases of cattle, and also recommends modern methods of combating ixodid ticks.

Бўғимоёқлиларда қон айланиши тарқоқ ҳолда, юраги эса трубкасимон бўлиб, пульсация қилиш натижасида тўқималарни тўйимли моддалар билан таъминлаб туради. Қони (гемолимфа) сариқ-қизғиш ва ҳаво рангда бўлиб, шакли элементлари мавжуд. Нафас олиш жараёни эса нафас трубкалари-трахеялар орқали амалга оширилади. Бўғимоёқлилар текинхўрлик қилаётган эгасининг қони ёки тўқима суюқлигидан озиқланади.

Улар ҳар хил жинсли бўлиб, уруғлантириш йўли билан кўпаяди, тухум қўяди, тухумдан личинка очиб чиқади.

Паразитоформ каналари эктопаразитлик қилиш билан бир вақтда юкумли ва паразитар касалликларнинг қўзғатувчиларини тарқатиши билан тавсифланади. Акариформ каналари эса қичима (чесотка) касалликларининг қўзғатувчилари ҳисобланади. Баъзи орибатид каналар сапрофит бўлиб, айрим тасмалик (монезиоз) гельминтларининг оралиқ хўжайинлари сифатида паразитология фанида катта аҳамиятга эга.

Паразитоформ отряди Ixodoidea-иксодоид ва Gamasoidea-каналарини ўз ичига олиб, ўз навбатида Ixodidae-иксод ва argasidae-аргазид оилаларига бўлинади.

Қорамолларнинг танасида иксод каналари паразитлик қилиш даврида пироплазмоз қўзғатувчиларини ҳайвон танасига ўтказиши натижасида келиб чиққан патологик процессларни илк бор Руминия олими Кильборн ва Смит томонидан 1893 йилда аниқланган ва ихтиролиги тан олинган. Ушбу ихтиро протозой ва юкумли касалликлар қўзғатувчиларини бўғимоёқлилар томонидан қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва инсонларга тарқатишдаги ролини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган.

Ixodidae каналарининг танаси овал шаклида бўлиб, бўғимларга бўлинмайди. Олдинги қисмида хартуми (хобот) жойлашган. Хартуми эса асос, икки пальпа, икки хелицер ва битта гипостомадан ташкил топган. Иксод каналарининг пальпаси сезиш вазифасини бажаради. Улар палпалари ёрдамида мол танасига ёпишиб олиш учун жой танлайди. Пальпалар орасида терини тешиш учун тишлар билан жиҳозланган хе-

лицерлар жойлашган. Хелицернинг вентрал қисмида тишлар билан жиҳозланган гипостом мавжуд. Каналар гипостом ёрдамида ҳайвон танасига тирмашиб олади.



Вояга етган фазаси кон билан тўйиниш жараёнида каналарнинг танаси тухум шаклида елка қисми хитинли қопламалар билан қопланган бўлади. Оч каналар оч сариқ, сариқ кўнғир, қорамтир рангда бўлиб, кон сўриб тўйинганлари қулранг ва оч сариқ рангда бўлади. Баъзиларининг қалқони эмал пигменти билан қопланган бўлиб, оқ кумуш рангда товланиб туради. Вояга етган кана (имаго) ва нимфаларининг оёқлари тўрт жуфт, личинкалариники эса уч жуфт бўлиб, олти-та ҳаракатчан бўғимдан ташкил топган. Каналар узун оёқлари билан тез юриб, узоқ масофани босиб ўтишга кодир. Хартумлардан (гнатосома) ташкил топган оғиз аппарати хартум асоси ва хартумнинг ўзидан иборат. Хартумда гипостом, хелицералар билан пайпаслагичлар бор.

Хартумнинг асоси хитиндан ташкил топган, кўпроқ тўғри бурчакли тўрт бурчак, баъзан олти бурчакли ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

Гипостом бир бўлак пастки жағдан иборат бўлиб, у билан ҳайвон танасига тирмашиб олиб терисини тешилади.

Хелицера икки бўлак юқори жағ хитиндан иборат бўлиб, гипостомнинг ичида жойлашган. Унинг асосий қисми махсус ғилофда бўлади. Гипостом билан хлицера ғилофи битта канални ташкил қилиб, унинг оғзидан теридаги ярага сўлаги ажралиб чиқади ва шу яра орқали ҳайвон қонини сўради. Яйлов каналарининг хазм органлари-оғиз тешиги, хартум, сўлак безлари, томоқ, қисқагина қизилўнғач, ўрта ичак (ошқозон), ингичка ва йўғон ичак ҳамда унга туташ ректал пуфак билан анал тешигидан иборат. Ажратув системаси ингичка ва узун найча шаклидаги пальпигиев томирлардан иборат бўлиб тектал пуфакка очилади.

Каналарнинг нафас олиш аъзолари кекирдақдан иборат, нафас олиш тешиги эса махсус пластинка-перитремага жойлашган. Унинг шакли ва катта кичиклигига қараб, яйлов каналарининг қайси авлодга мансуб эканлигини англаш мумкин. Кўпгина яйлов каналарининг кўзлари бор, улар ясси ярим шар шаклида

бўлиб кана дорсал қалқонининг олдинги учдан бир қисмининг ўнг ва чап қиррасида жойлашган.

Эркақларининг жинсий системаси уруғдон, уруғ йўллари, жинсий тешик ва қўшимча безлардан иборат. Улар жинсий алоқа даврида хартумлари билан урғочиларининг жинсий тешигини кенгайтириб, унга сперматофорларни киритади. Урғочиларининг жинсий системаси тухумдон, тухум йўллари, бачадон, вагина, жинсий безлар ва жинсий тешиклардан иборат.

Иксод каналарининг протозой, бактериал, ва замбруғли (грибковий) касаллик қўзғатувчиларини тарқатишда иксод каналарининг ролини ўрганишда ватанимиз олимлари В.Л.Якимов, А.В.Белицер, Е.П.Джунковский, А.А.Марков, Ў.Я.Узаков ҳамда хорижлик олимлар Кох, Тейлер, Сержанларнинг хизматлари катта бўлган.

Иксод каналари мол танасида паразитлик қилиш билан бирга пироплазмидоз, геморагик иситма, ку-лихорадка ва башқа ўта хавфли паразитар ҳамда юкумли касаллик қўзғатувчиларини мол танасига юктириш орқали оғир касалликлар келтириб чиқаради.

Каналар одамларда учрайдиган кана энцефалити, тиф, ку-иситма, туляремия, Крим-конго геморагик иситма ва бир қатор юкумли касалликлар қўзғатувчиларининг ташувчилари ҳисобланади. Иксод каналари ҳайвонлар қони ва лимфа суюқлиги билан озиқланиб паразитлик қилиб яшайди, уларнинг аксарияти хужум қилади. Каналар одамлар қонини сўриб озиқланади ва шу жараёнда қатор юкумли касалликлар қўзғатувчиларини трансмиссив йўл билан юктиради.

Қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларидан келадиган иқтисодий зарар эса касалланган молларнинг 80-90% гача ўлими, касалланиб соғайганлари узоқ вақт давомида касаллик қўзғатувчи паразитларни ёки вирусларни ўзида сақлаб қолиши, махсуддорлигини пасайиб кетиш, ишлаб чиқаришда яроқсиз бўлиб қолиши ва ветеринария-санитария тадбирларига кетган харажатлардан иборат бўлиши эътироф этилади.

Илмий маълумотларга қўра, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида мавжуд молларнинг 8-11% ҳар йили кон-паразитар касалликлар билан касалланади. Шундан тейлериоз 70-80% ни, пироплазмоз, бабезиоз 20-30% ни ташкил қилади. Тейлериоз республиканинг барча ҳудудларида кузатилса, пироплазмоз, бабезиоз ҳайдалмайдиган, юқори намгарчиликка эга бўлган яйловларда, тўқайзорларда, доимо сув оқиб турадиган арик ёки дарё ёқаларида кўпроқ учрайди.

Қорамолларнинг кон-паразитар касалликлари ҳам мавсумий бўлиб, иксод каналарининг фаоллик пайтида, яъни йилнинг илиқ даврига тўғри келади. Каналар молларни чақиш билан бирга ўз сўлак безларидаги касаллик қўзғатувчи бабезиоз, пироплазма, тейлериаларни ҳайвон танасига ўтказиши. Қорамолларнинг пироплазмоз, бабезиозини тарқатувчи бир эгалик *Boophilus calcaratus* каналари ўз ривожланишининг уч босқичини (личинка, нимфа, имаго) ҳам текинхўрлик қилаётган

молнинг танасида ўтказди. Кана личинка босқичида молларни чаққандан сўнг 8-11 кун ичида касалликни клиник белгилари намоён бўлади. Касалланган молларни тана харорати 40,6-41,0 градусгача кўтарилиши, иштаҳа ва кавш қайтарилишининг йўқолиши, анемия ва гемоглобинурия (қон сийиш) ҳолатларининг юз бериши ҳамда гемопоэзнинг бузилиши кузатилади.



Пироплазмозда гемоглобинурия ҳолати


Boophilus calcaratus каналари намгарчилиги юқори даражада бўлган яйловлар, тўқайзорлар, кўл, ариқ, канал атрофи, дарё ёқалари учрайди. Касалликнинг энг ривожланган пайти май-июль ойларида кузатилади.



Boophilus calcaratus каналари



Каналарнинг биотоплари



Лаборатория шароитида каналарни тухумдан личинка очиб чиқиши

Ў.Я.Узақовнинг (1972) маълумотларига кўра Республикамиз ҳудудларида каналарнинг *Hyalomma* оиласига мансуб 7 тури мавжуд:

1. *Hyalomma detritum*
2. *Hyalomma anatolicum*
3. *Hyalomma asiaticum*
4. *Hyalomma plumbeum*
5. *Hyalomma dromedari*
6. *Hyalomma aegyptium*
7. *Hyalomma scupense*

Шундан икки эгалик *Hyalomma detritum* каналари республикамизнинг ярим чўл ва чўл ҳудудларида уч эгалик *Hyalomma anatolicum* каналари эса юртимизнинг барча ҳудудларида тарқалган бўлиб, тейле-риознинг асосий тарқатувчилари бўлиб ҳисобланади (А.Ғ.Ғафуров, 1996). Ушбу каналарнинг нимфа босқичи август-сентябрь ойларида касал ёки касал бўлиб ўтган моллардан тўйиниб тушгач, биотопларда турланади ва оч имаго шаклига ўтиб, биотопларда (тезақларни тагида, девор тешиқларида, буталар тагида ва ҳ.к.) қишлайди ва йилнинг илиқ фасли (апрел-май) келиши билан молга ёпишади ҳамда мол танасида паразитлик қилиш билан бир вақтда сўлак безларида бўлган касаллик кўзгатувчиларини (паразит ёки вирус) мол ёки одам танасига ўтказди ва касаллантиради.



Каналарнинг тўйиниш даври

Каналарнинг қолган 5 тури-*Hyalomma asiaticum*, *Hyalomma plumbeum*, *Hyalomma dromedary*, *Hyalomma aegyptium*, *Hyalomma scupense* тейле-риозни тарқатишда аҳамияти йўқ, аммо вирус билан боғлиқ касалликларни тарқатиши мумкин. Шу сабабли иксод (яйлов) каналари ва улар тарқатадиган ўта хавфли касалликларга қарши курашишни замонавий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда қарши курашиш чора-тадбирларини қуйидаги тартибда олиб бориш зарурияти мавжуд:

- қорамолларни қон-паразитар ва вирус касалликларини тарқатишда иксод каналарининг аҳамиятини ҳудудларда анамнестик далиллар, клиник, парази-

тологик ва вирусологик текширишлар натижасида аниқлаш;

- иксод каналарининг ҳар бир географик иқлим шароитларда фаунасини ўрганиш ва уларни паразитар ҳамда вирус касаллик қўзғатувчиларини тарқатишдаги аҳамиятини аниқлаш;



Кана чакқан молнинг ҳолати

- тажриба молларида иксод каналарини тўйинтириш натижасида паразитар ва вирус касаллик қўзғатувчиларини ажратиш ва уларни иммунобиологик хусусиятларини ўрганиш;

- тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз касалликларини даволаш ва профилактика қилишда маҳаллий препаратлар ишлаб чиқиш ва уларни самарадорлигини ўрганиш;

- иксод каналарига қарши янги акарицид препаратларни қўллаш натижасида маҳалла аҳли, фермер ва ёрдамчи хўжаликларда қорамолларни паразитар ва инфекция касалликлардан асраш;

- аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш натижасида каналардан огоҳ бўлишга даъват этиш;

- каналарга қарши курашиш ишларини моллар боқиладиган яйловларда ҳам олиб бориш зарур, бунинг учун яйловлардаг кераксиз жисмлар ва ёввойи ўсимликларни йўқотиш, кам фойдаланиладиган ерларни ҳайдаш;

- каналарга қарши курашишда уларни биологик ва экологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда молхоналарни санитария ҳолатини яхшилаш тадбирларини олиб бориш лозим.

Қорамолларни қон-паразитар касалликларидан профилактика қилиш учун аввало ҳайвонлар организмни касалликларга қарши табиий чидамлилигини оширишга асосланган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш, касаллик қўзғатувчиларини тарқатувчи каналарга қарши курашиш ва молларни қон паразитлари

билан зарарланиш йўллари билан баргараф этишга эътиборни жалб этиш зарур. Каналарга қарши курашишда акарицид препаратларни қўллаш ва молхоналарни санитария ҳолатини яхшилаш тадбирларини доимий равишда ўтказиб туриш лозим.

Бундай тадбирларни мақсадли равишда олиб бориш инсонларни вирус касалликларидан (асосан, Крим-Конго) сақлаб қолишда катта аҳамиятга эгадир. Крим-Конго гемorraгик иситма вирус орқали қўзғатиладиган, табиий шароитда каналар орқали юктириладиган ўта хавфли юкумли касаллик ҳисобланади.

Крим-Конго касаллиги мавсумийлик хусусиятига эга бўлиб, асосан йилнинг баҳор ва ёз фаслида қайд этилади. Каналарнинг бундай мавсумийлиги уларнинг фаоллиги билан бевосита боғлиқ. Касаллик асосан чорва моллари билан шуғулланадиган чорвадорларда кўпроқ учрайди.

Касаллик ўткир ҳолатда кечиб, тана хароратининг юқори даражага кўтарилиши, баданнинг совуқ қотиб калтираши, мушакларнинг оғриши, баданга тошма тошиши, юз, бўйин, кўкрак қисми териларининг кизариши, милк, бурун, ошқозон-ичаклардан, бачадондан қон кетиши каби аломатлар намоён бўлади. Кўпгина ҳолатларда касаллик оғир кечиб, бемордан кўп қон кетиши натижасида ўлим қайд этилиши мумкин.

Крим-Конго касаллигини тарқатувчи каналарга қарши курашишда уларнинг биологик ва экологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда олиб борилиши лозим. Куз вақтида молларни молхоналарга киритишдан олдин биноларнинг ичи ва ташқари атрофи барча ахлатлардан тозаланиши ва шундан сўнг акарицид препаратлари билан ювилиши шарт.

Молхоналарда каналарга қарши кураш олиб бориш билан бир вақтда яйловларда ҳам бундай тадбирларни бажариш зарур. Яйловлардаги кераксиз нарсалар ва ёввойи ўсимликларни йўқотиш, кам фойдаланиладиган ерларни ҳайдаш ва агромаданият тадбирларини амалга ошириш каналарнинг камайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Фафуров А.Ф. Пироплазмидозы крупного рогатого скота и иксодофауна переносчиков в Зарафшанской долине. Организм ва муҳит. – Тошкент, “Фан”, 1995.- 59-61 б.
2. Фафуров А. Распространение пироплазмидозов в Зарафшанской долине. “Ветеринария”, 1996, №3-1ё7-18 б.
3. А.Ф.Фафуров, Р.Б.Давлатов, Ў.И.Расулов Ветеринария протозоологияси. Ўқув қўлланма, 2013 -120 б.
4. Узаков У.Я.Иксодовые клещи Узбекистана. – Ташкент, изд. “Фан” 1972 -302 б.

УДК. 636.619.051.

А.О. Орипов, в.ф.д., профессор; Н.Э. Юлдашов, в.ф.д.,
Ш.А. Джабборов, в.ф.д., профессор, И.А. Улашов, докторант,
Ветеринария илмий-тадқиқот институти

ФАСЦИОЛЁЗ, ШИСТОСОМОЗ (ОРИЕНТОБИЛЬГАРЦИОЗ) ВА ПАРАМФИСТОМАТОЗЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ УЧУН ЯНГИ МОЛЛЮСКОЦИДЛАР

Аннотация

В статье приводятся результаты поиска и разработки с методов применения новых моллюскоцидов, доступных практическим ветеринарным специалистам и животноводам. Установлено, что минеральные удобрения, широко применяемые в сельском хозяйстве – сульфат аммония и хлорид калия обладают достаточно высоким (95-100%) моллюскоцидным эффектом против пресноводных моллюсков *Lymnaea* и *Planorbis* – промежуточных хозяев возбудителей фасциолеза, шистосомоза (ориемтобильгарциоза) и парамфистоматозов в концентрациях 0,1-0,2%.

Значительно высоким моллюскоцидным эффектом против пресноводных моллюсков установлен от применения перманганата калия (марганцовки) и перекиси водорода, которые показали 100%ную эффективность в концентрациях соответственно 1:400000 и 1:40000.

Определённым моллюскоцидным свойством обладают и поваренная соль и чайная сода, в концентрациях 1:200-1:250 в отношении объема воды водоёма.

Калит сўзлар: моллюска, моллюскоцид, гельминтоз, фасциолез, шистосомоз (ориемтобильгарциоз), парамфистоматоз, минерал ўзгитлар, чай содаси, марганцовка, водород пероксиди.

Маълумки, чорвачилик соҳасини ривожлантириш, бу соҳанинг рентабеллигини ошириш, турли резерв ва имкониятлардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Бу йўналишда чорва моллари, айниқса қовшовчи моллар – қорамол, қўй-эчки, ҳатто туялар орасида кенг тарқалган трематодозлар – фасциолез, шистосомоз ва парамфистоматозлар ҳайвон организмида чуқур патологик ўзгаришларга олиб келади, натижада моллар маҳсулдорлиги кескин пасаяди ва улкан иқтисодий зарар етказилади.

Фасциолез, шистосомоз ва парамфистоматозларга қарши курашнинг асосий омилларидан бири – бу касалликларни қўзғатувчилари (*Fasciola*, *Shistosoma* авлод вакиллари ҳамда *Paramphistomataidaе* оиласининг *Liorchus*, *Calicophoron* *Gastropotilax* авлод трематодаларининг оралиқ хўжайинлари бўлган яйловда, умуман ташқи муҳитда мавжуд бўлган чучук сув манбалари – булоқлар, қўллар, дарёлар қирғоқлари, намлиги юқори яйлов қисмларида яшайдиган *Lymnaea* ва *Planorbis* авлодаларига мансуб моллюскалар)ни биологиясини чуқур ўрганишдир.

Бир қатор тадқиқотчилар {1, 2, 3, 4, 5, 6, 7} томонидан моллюскаларга қарши курашнинг асослари ва турли жиҳатлари бўйича кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, бу тадқиқотлар натижасида моллюскаларга қарши кимёвий воситаларни қўллаш, жумладан моллюскоцид воситалардан фойдаланиш тамой-

Summary

The article presents the results of the search and development of methods for the use of new molluscicides available to practical veterinary specialists and livestock breeders. It was found that mineral fertilizers widely used in agriculture – ammonium sulfate and potassium chloride have a sufficiently high (95-100%) molluscicidal effect against freshwater mollusks *Lymnaea* and *Planorbis*, intermediate hosts of pathogens of fascioliasis, schistosomiasis, (orientobilharziasis) and paramphistomiasis in concentrations of 0,1-0,2%.

A significantly high molluscicidal effect against freshwater mollusks was established from the use of (potassium permanganate) and hydrogen peroxide, which showed 100% efficacy at concentrations of 1:400000 and 1:40000.

Table salt and tea soda have a certain molluscicidal property, in concentrations of 1:200-1:250 in relation to the volume of water in the reservoir.

иллари ва услублари ишлаб чиқилган. Бу тадқиқотлар натижасида қўлаб моллюскоцид воситалар ишлаб чиқилган. Аммо уларнинг аксарияти ноёб, амалий ветеринария ва чорвачилик учун топилиши анча мураккаб бўлган ҳамда захарлилик хусусияти ва чорва моллари, атроф-муҳит ва ўсимликлар учун зарарли воситалардир. Масалан, 5-4¹-дихлорсалициланилид 1:1000000 нисбатдаги эритмаси юқори моллюскоцид самарага эга, аммо у ҳамма вақт топилмайдиган восита. Ўзимизнинг республикамизда (Олмалик ТМҚда) ишлаб чиқиладиган мис купороси (CuSO₄) эса 1:5000 нисбатдаги эритмаси моллюскаларга қарши қониқарли самара кўрсатади, аммо у ташқи муҳит айниқса сув ўтлари ва сувдаги бошқа тирик организмлар (сода жонзотлар ва табиий микрофлора) учун хавфли эканлиги аниқланган.

Юқоридаги вазиятдан келиб чиқиб, биз ўз олдимизга маҳаллий, арзон ва экологик хавфсиз моллюскоцид воситалар излаб топиш ва уларни қўллаш услубларини ишлаб чиқиб амалиётга тадбиқ этиш бўйича тадқиқотлар олиб бордик.

Тадқиқотларнинг ҳажми ва услублари

Тадқиқотлар лаборатория шароитида, махсус аквариумларда ҳамда табиий сув манбалари – арик, канал, булоқлар қирғоқлари, яйловнинг нам қисмларида олиб борилди.

1-жадвал.

Lymnae ва *Planorbis* чучук сув моллюскаларига айрим минерал ўғитлар ва ош тузининг таъсири.

Минерал ўғитлар ва ош тузи	Синалган концентрациялар, %	Моллюскоцид таъсир этган концентрация, %	Моллюскоцид таъсир этиш муддатлар, соат, кун	Алоҳида эслатмалар
Калий хлорид минерал ўғити (KCl)	0,05-1,2	0,1 0,2 0,3-0,5 0,5-1,0	6-10 кун 3-5 кун 1 кун 2-12 соат	Юқори концентрацияда (0,5-0,2%) моллюскалар тез (2-3 соатда) ўлади ва юмшоқ танаси қобигидан чиқади
Аммоний сульфат минерал ўғити (NH) ₂ SO ₄	0,05-1,0	0,05 0,1 1,0	48 соат 24 соат 2 соат	Моллюскалар тез, яъни 12-48 соатда ўлади
Фосфомочевина минерал ўғити	0,05-1,0	0,05 0,1-0,3 0,4-0,6 0,7-1,0	10 кундан кўп 8 кун 7 кун 7 кун	Фақат юқори концентрацияларда 7 кунда ўлади
Ош тузи (NaCl)	0,05-1,5	0,4-0,7 0,8-1,5	48 соат 24 соат	Нисбатан қисқа муддатда ўлади
		0,2-0,3	Моллюскалар ўлмайди	Янги авлод (тухум) кўяди

Лабораторияда, яъни аквариумларда олиб борилган тадқиқотларда 50-100 нусхадан *Lymnae* ва *Planorbis* авлод моллюскалари хлорланмаган (артезиан) рН кўрсаткичи 7,0-7,2 бўлган сувга жойлаштирилди ва уларга турли концентрация 0,01, 0,05, 0,1-0,9 ҳамда 1,0-1,5% концентрацияда ёки моллюскоцид билан сувнинг 1:100, 1:200, 1:300, 1:500, 1:1000, 1:2000, 1:5000, 1:10000-1:100000, 1:200000, 1:300000, 1:400000 нисбатдаги моллюскоцидлар эритмасининг таъсири аниқлаб борилди, кузатишлар моллюскалар аквариумларда жойлаштирилгандан кейин 10, 20, 30, 60 дақиқа ва 5, 24, 48 соат, 2, 3, 5, 10 кун давомида олиб борилди. Бунда моллюскаларнинг ҳаётчанлиги (ҳаракати), ўлган ва тирик моллюскаларнинг сони, моллюскаларнинг янги авлод бериши (кладка) каби ҳолатлар аниқлаб борилди.

Лаборатория шароитида синалган моллюскоцидлар, уларнинг қониқарли, самара кўрсатган концентрацияларида табиий шароитда *Lymnae* ва *Planorbis* моллюскаларнинг биотопларида синовдан ўтказилди. Моллюска биотоплари моллюскоцидлар билан ишлов берилгандан кейин 30 дақиқа, 1, 3, 5 соат ва 24, 48, 72 соатдан кейин текширилиб унда ўлган ва тирик қолган моллюскоцидлар сони, уларнинг ҳолати ҳамда биотопдаги сув ўтлари ва бошқа жонзотларга моллюскоцидларнинг таъсирига эътибор қаратилди.

Янги моллюскоцид воситаларнинг ҳайвон организмга захарли таъсири бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида, аммоний сульфат, калий-хлориднинг ва солиштириш мақсадида ош тузи (NaCl)нинг моллюскоцид таъсир кўрсатадиган концентрациясидан бирмунча юқори концентрацияда кўйларнинг клиник кўрсаткичлари ва айрим гематологик кўрсаткичларига

таъсирини аниқлаш бўйича махсус тадқиқотлар олиб борилди.

Жумладан, калий-хлориднинг 0,3 фоизли эритмаси, аммоний сульфатнинг 0,2% концентрациялари, хлорид кислотасининг рН 4,0 бўлган концентрацияси, натрий ишқорининг рН кўрсаткичи 8,5 бўлган концентрацияси ҳамда ош тузи (NaCl)нинг 0,5% концентрацияси 5 гуруҳ (ҳар гуруҳ 3 бошдан) кўйларда синалди.

Моллюскоцид воситалар кўйларга икки усулда берилди: биринчи усул – бу воситаларнинг қониқарли моллюскоцид самара кўрсатган концентрациясидаги эритмаси кўйларга 3 кун давомида эркин ичирилди (суғорилди), иккинчи усулда бу воситаларнинг сувдаги эритмалари ҳар бир кўйга 1,5 литрдан (кунлик сув истеъмол қилиш миқдорда) зонд орқали “мажбурий” берилди.

Тажриба бошланишида, яъни кўйларга моллюскоцидлар беришдан олдин ва ундан 24 ва 72 соат кейин тажрибадаги кўйларда клиник ва гематологик текширишлар ўтказилди.

Тадқиқотларнинг натижалари

Маҳаллий воситалар – амалий сульфат, калий хлорид ва фосфомочевина минерал ўғитларнинг *Lymnae* ва *Planorbis* моллюскаларга таъсири, оддий туз (NaCl) билан солиштирган ҳолда 1-нчи жадалда акс этдирилган бўлиб, унда калий хлориднинг 0,05-1,2 фоизли концентрациялари, аммоний сульфатнинг 0,05-1,0 фоизли ва фосфомочевинанинг 0,05-1,0 фоизли концентрациялари ҳамда ош тузининг 0,05-1,5 фоизли концентрацияларининг моллюскоцид хусусиятлари акс эттирилган. Ушбу маълумотларга кўра калий хлориднинг 0,1 фоизли концентрацияси моллюскаларни 6-10 кунда, 0,2% концентрацияси 3-5 кунда, 0,3-0,5%

Моллюскоцидларнинг оптимал концентрацияларини аниқлаш натижалари.

Моллюскоцидлар	Концентрация, %	Моллюскоцидларнинг таъсир даражаси				
		2 соат	24 соат	72 соат	6 кун	10 кун
Аммоний сульфат	0,5	100,0	кузатиш тўхтатилди			
	0,3	70,0	100,0	-//-/-		
	0,2	40,0	100,0	-//-/-		
	0,1	50,0	100,0	-//-/-		
	0,05	70,0	100,0	-//-/-		
Калий хлорид	1,0	100,0	-//-/-	-//-/-	-//-/-	-//-/-
	0,5	70,0	100,0	-//-/-	-//-/-	-//-/-
	0,2	30,0	100,0	-//-/-	-//-/-	-//-/-
	0,1	20,0	50,0	75,0	95,0	-//-/-95,0
	0,05	10,0	25,0	100,0	-//-/-	-//-/-

концентрацияси 1 кунда, 0,5-1,0 фоизли концентрацияси 2-12 соат ичида ўлдиради. Юқори концентрацияда (0,5-1,2%) моллюскалар нисбатан тез (2-3 соат ичида) ўлади ва уларнинг юмшоқ танаси қобиғи (скорлупаси) дан чиқиб кетади.

Аммоний сульфат минерал ўғити ҳам калий хлорид каби, ҳатто ундан ҳам фаолроқ моллюскоцид хусусиятга эга. Бу воситанинг 0,05% эритмаси моллюскаларни 48 соатда, 0,1 фоизлиси эса 24 соатда ва 1,0% эритмаси 12 соатда ўлдириши аниқланди (1-жадвал).

Яна бир маҳаллий восита – фосфомочевина минерал ўғити ҳам маълум моллюскоцид хусусиятга эга, ammo унинг бу хусусияти калий хлорид ва аммоний сульфатнинг ушбу хусусиятидан бирмунча паст эканлиги аниқланди: ушбу воситанинг 0,05% эритмаси моллюскаларни атиги 10 кунда, 0,1-0,3% концентрацияси 8 кунда, 0,4-0,6% ва ундан юқори концентрациялари 7 кунда ўлдириши аниқланди (1-жадвал).

Солиштириш учун синалган ош тузининг 0,4-0,7 фоизли эритмалари моллюскалари 48 соатда, 0,8-1,5 фоизли эритмаси эса 24 соатда ўлдиради. Бу воситанинг нисбатан паст концентрациялари, жумладан 0,2-0,3 фоизли эритмалари моллюскаларни ўлдирмайди, аксинча улар ривожланиб янги авлод (тухум қўйиш “кладка”) ҳосил қилиши кузатилади.

Демак маҳаллий воситалар – аммоний сульфат ва калий хлорид минерал ўғитларидан фасциолёз, шистосомоз (ориентобильгарциоз) ва парамфистоматозларга қарши курашда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу воситалар, яъни аммоний сульфат ва калий хлориднинг моллюскаларга қарши оптимал концентрацияларини аниқлаш натижалари (2-жадвал)га кўра, аммоний сульфатнинг 0,1 фоизли концентрацияси ва калий хлориднинг 0,2% эритмаси моллюскаларни (100%) 24 соат ичида ўлдиради.

Минерал ўғитлардан моллюскоцид восита сифатида фойдаланиш ҳар томонлама фойдалидир: биринчидан улар “ноёб” ёки “камчин” воситалар эмас, яъни

ҳар бир дехқон-фермер хўжаликларда мавжуд воситалардир, иккинчидан улар ташқи муҳит (экология) учун хавфсиз ва учинчидан қўшимча сарф-харажат талаб қилинмайдиган воситадир.

Ушбу воситалардан моллюскоцид восита сифатида фойдаланиш нафақат ташқи муҳит (экология) учун хавфсиз, балки чорва моллари, хайвонот дунёси ва умуман фауна ва флора учун ҳам безарар эканлиги аниқланди.

Маҳаллий моллюскоцид воситалар – аммоний сульфат, калий хлориднинг моллюскоцид сифатида таклиф этиладиган концентрацияларидан юқорироқ концентрацияларда қўллаш қўйларнинг клиник ҳолати ва гематологик кўрсаткичларига кескин салбий таъсир кўрсатмаслиги аниқланди (3-жадвал). Аммоний сульфатнинг 0,2 фоизли, калий хлориднинг 0,3% ва солиштириш учун натрий хлорид (ош тузи)нинг 0,5 фоизли эритмалари ҳар бир қўйга 1,5 л микдорда ичирилганда қўйларнинг клиник ҳолати ва гематологик кўрсаткичларига сезиларли таъсир этмаслиги аниқланди.

Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра аммоний сульфат ва калий хлориднинг мутаносиб тарзда 0,2 ва 0,3% эритмалари қўйларга 3 кун давомида эркин ичирилганда ва 1,5 литрдан мажбурий (зонд орқали) ичирилганда қўйларнинг умумий ҳолати ва бошқа клиник кўрсаткичлари (ҳаракатчанлиги, иштаҳаси, сийдик чиқариш ва дефекация ҳамда нафас олиш ва юрак уриш)га кескин таъсир қилмайди.

Текшириш натижаларига кўра (3-жадвал), қўйларнинг асосий гематологик кўрсаткичлари – эритроцит ва лейкоцитлар микдори ҳамда гемоглобин концентрацияси кескин ўзгаришларга учрамайди, фақат эритроцитлар микдорининг 2,3 млн/мм³ ва гемоглобин микдорининг 10-15 г/литрга ошиши статистик аниқ ($P < 0,05$) ўзгариш бўлиб, лейкоцитлар микдори эса кўзга ташланадиган ўзгаришларга учрамаслиги аниқланди (3-жадвал).

(Давоми 20-бетда)

So'nggi o'n yil va undan ko'proq vaqt ichida O'zbekistonda chorvachilik va parrandachilik sohasiga prezidentimiz Sh. M. Mirziyoyevning ajratgan e'tibori tufayli soha keng rivojlanmoqda. Ko'plab turli xildagi klaster va fermer xo'jaliklari paydo bo'ldi va ular: chorva mollarini etishtirish, naslchilik, selektsiya tuxumchilik, bo'rdoqichilik yo'nalishlaridir. Ularni boqish va parvarish qilish bo'yicha me'yoriy yondashuvlar, shuningdek, maxsus va umumiy veterinariya-sanitariya tadbirlari darajasi zamon bilan hamnafas va sezilarli darajada o'zgardi.

Ko'pgina fermer xo'jaliklarida kasallikka tashxis qo'yishda har xil usullar va hozirgi kungacha eski usullardan foydalaniladi. Hozirgi zamon sharoitida bizlar taklif qilayotgan tezkor testlar yangi turdagi virusli va bakterial qo'zg'atuvchilari hayvonlar tanasiga yuqori darajada ta'sir ko'rsatadigan kasalliklarni barvaqt, erta fazasida aniqlash imkonini beradi. Bu esa o'z navbatida chorva hayvonlari egalarini hayvonlar bosh sonini saqlash, sifatli go'sht, sut mahsulotlarini yetishtirishda muhim omil hisoblanadi. Organizmdagi ko'plab yuqumli kasalliklar o'tkir sharoitda va yarim o'tkir sharoitda davom etishi mumkinligini hisobga olsak, kasallikning shoshilinch, aniq va tezkor diagnostikasi alohida ahamiyatga ega. To'g'ri tashxis qo'yilgan holda, fermer xo'jaliklarining veterinariya xodimlari o'z vaqtida veterinariya-profilaktika choralarini ko'rishlari mumkin. Tezkor tashxis qo'yish uchun qoramol, mayda shoxli mol, parrandalarning ko'plab xavfli va yuqumli kasalliklarining antigenini aniqlash uchun tezkor (ekspres) testlardan foydalanish muhim ahamiyatga ega. Bunday ekspres testlar bilan 10-20 daqiqada ichida ishonchli tashxis qo'yishingiz mumkin. Sinov jarayonining o'zi oson va sodda usulni o'z ichiga oladi. Ekspres testlar to'g'ridan-to'g'ri fermada, dala, tog', cho'l va chegara hududi sharoitlarida ham qo'llanilishi o'zini to'la oqlaydi. To'g'ri va o'z vaqtida o'tkazilgan test ma'lumotlari fermadagi hayvonlarni majburiy so'yim va kasallikka chalinib nobud bo'lishidan qutqarishga va eng muhimi iqtisodiy zararni oldini olishga yordam beradi.

Bunday testlarni O'zbekistonga birinchilardan bo'lib "THEBRIDGE" MChJ kompaniyasi taqdim etmoqda. Bu kompaniya Janubiy Koreya Respublikasi bilan hamkorlikda ishlaydi. Bu kompaniya quyidagi kasalliklarga ekspres testlarni taqdim etadi:

Parranda grippi. Bu test tovuqlarning organizmidagi Parranda Grippi Virusini bor-yo'qligini aniqlash imkonini beradi. Buning uchun parranda kloakasidan, najasidan yoki traxeyadan namuna kerak bo'ladi xolos. Sinov moslamasida: Dumaloq namunaviy port (S) plastikkassetaning pastki qismida joylashgan. To'rtburchak displeyda sinov (T) va mos yozuvlar (C) satrlari joylashgan joy belgilanadi. Yuqumli Bronxit kasalligi - bu sinov to'plami tovuq kloakasi, traxeya, buyrak yoki najasda yuqumli bronxit tigenini aniqlash uchun immunoxromatografik usuldir. Ushbu diagnostik test vositasi 10 daqiqa ichida yuqumli bronxit kasalligi antigenlarini tez va oson aniqlash imkonini beradi.

Rapid NDV Ag sinov to'plami - tomoq, taloq yoki tovuq buyragida Nyukasl kasalligi virusi (NDV) antigenini sifatli

Rapid Test Kit

HAYVONLAR VA PARRANDALAR KASALLIKLARINI ERTA TASHXISLASH SOG'LOM XO'JALIGINGIZ KALITIDIR

aniqlash uchun immunoxromato grafik usuldir. Tampon bilan orqanni (taloq yoki buyrakni) teshib namuna olinadi.

Qoramol zardobida, plazmasida yoki butun qon tizimida qoramol va barcha turdagi kavshovchi hayvonlar Brusella antitachalarini aniqlash uchun immunoxromato grafik usuldir. Bu brusellaanti tanachalarini barcha turdagi kavshovchi hayvonlar zardobi, plazma yoki butun qon orqali aniqlash uchun diagnostika vositasi hisoblanadi. Agar namunada brusella antitachalari mavjud bo'lsa, bu ekspres test shu antitachalarni aniqlab beradi.

Xulosa qilib aytganda hozirgi shiddat bilan rivojlanayotgan davrda rivojlangan davlatlar qishloq xo'jaligi va veterinariya sohasida qo'llanilayotgan ushbu ekspres testlarni O'zbekiston Respublikasining qishloq xo'jaligi va veterinariya sohasida qo'llanilishi, bu sohada yangilik bo'lib, xavfli kasalliklarni oldini olishda chorvachilik, parrandachilik, bo'rdoqichilik va naslchilik sohaslarini rivojlanishiga o'z hissasini qo'shadi. Bu esa o'z navbatida xalqimizni sifatli go'sht, sut, tuxum bilan ta'minlanishi va oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashning muhim omili hisoblanadi.

Bizning manzil:

Toshkent sh., Oybek ko'ch. 18/1 uy

Tel.: +998 97 923-10-86

+998 90 191-05-82

+998 91 551-89-88

Elek. manzil: sherzod@thebrdg.com, oybek@thebrdg.com



Моллюскоцид воситаларнинг қўйлар гематологик кўрсаткичларига таъсири (M±m, P).

Текшириш даври	Моллюскоцидлар ва концентрация	Эритроцитлар миқдори (млн/мм ³)	Лейкоцитлар миқдори (минг/мм ³)	Гемоглобин миқдори, г/л
Моллюскоцид беришдан олдин	Калий хлорид, 0,3%	8,92±0,3	6,66±0,5	75,6±0,1
	Аммоний сульфат, 0,2%	6,7±0,6	6,66±0,5	83,6±16,2
	Натрий хлорид 0,5%	6,7±0,86	7,0±0,05	90,6±5,8
Моллюскоцид бергандан 72 соат кейин	Калий хлорид, 0,3%	11,5±0,86 P<0,05	6,9±0,1 P>0,05	84,0±10,8 P>0,05
	Аммоний сульфат, 0,2%	9,9 ±0,2 P<0,05	7,2±0,2 P>0,09	97,0±11,6 P<0,05
	Натрий хлорид 0,5%	10,4±0,98 P<0,05	7,3±0,1 P>0,05	83,6±12,2 P<0,05

Республикамиз кимё саноати корхоналарида ишлаб чиқариладиган минерал ўғитлардан ташқари яна бир қатор воситалар – натрий бикарбонат (чай содаси), гидроген оксиди (перекись водород) ва калий пермаганат (марганцовка) каби топилиши катта “муаммо” бўлмаган, яъни “дефект” бўлмаган воситаларнинг моллюскоцид хусусиятлари ҳам ўрганилди. Бу воситаларни лаборатория шароитида ва Lumnae ва Planorbis моллюскоцидларнинг табиий биотопларида синаш натижаларига кўра, калий пермаганат, яъни KMgSO₄нинг жуда паст концентрацияси (1:400000) ва гидроген оксиди (H₂O)нинг бирмунча юқори (1:40000) концентрацияси моллюскоцидларни 100% ва тезда, яъни 24 соат ичида ўлдириши аниқланди.

Озиқ-овқат саноати ва кундалик турмушда қўлланиладиган натрий бикарбонат (NaHCO₃), яъни чай содаси ҳам қониқарли моллюскоцид хусусиятга эга эканлиги аниқланди: ушбу воситанинг 1:200-1:250 нисбатдаги концентрациялари аквариумлар ва табиий биотоплардаги моллюскоцидларнинг 95 фоизини 48 соат давомида ўлдириши аниқланди. Демак, сульфат аммоний ва калий хлорид минерал ўғитлар мавжуд бўлмаган ҳоллар чай содаси, марганцовка ва гидроген оксиди каби воситалардан моллюскоцид восита сифатида фойдаланиш мумкин.

Юқорида қайд қилинган моллюскоцидлардан аммоний сульфат Республикаимиз кимё саноатининг кўпчилиги корхоналарида (Фарғона, Самарқанд ва Навоий вилоятларида) калий хлорид минерал ўғити эса Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги корхонада, натрий бикарбонат (чай содаси) эса Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғиротдаги корхонада ишлаб чиқилади ва барча чорвачилик хўжаликлари учун топиладиган маҳаллий воситалардир. Юқори моллюскоцид кўрсаткичларга эга бўлган калий пермаганат (марганцовка) ва гидроген оксиди (перекись водород) эса тиббиёт ва ветеринария соҳасида кенг қўлланиладиган, яъни топиладиган воситадир.

Ушбу воситалар – аммоний сульфат, натрий бикарбонат, калий пермаганат (марганцовка) ва гидроген оксиди (перекись водород)лардан моллюскоцид сифатида фойдаланиш бўйича илмий ишланмалар Ўзбекистон Республикаси адлия Вазирлиги қошидаги Интеллектуал мулк Агентлиги томонидан “Ихтиро” сифатида қабул қилинган ва IAP 05448, IAP05449, IAP05802 ва IAP05573 рақамли “Патент” берилган.

Хулосалар. 1. Фасциолёз, шистосомоз (ориентобильгарциоз) ва парамфистоматозларни олдини олишда ва бу касалликларни тарқатувчи чучук сув моллюскоцидлари (Lumnaea ва Planorbis авлод вакиллари)га қарши маҳаллий воситалар – аммоний сульфат, калий хлорид ҳамда натрий бикарбонат (чай содаси)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

2. Моллюскоцид восита сифатида тиббиёт ва ветеринария соҳасида кенг қўлланиладиган воситалар – калий пермаганат (марганцовка) ва гидроген оксиди (перекись водород)дан ҳам фойдаланиш мумкин.

3. Чучук сув моллюскоцидларига қарши аммоний сульфатнинг биотопнинг сув ҳажмига нисбатан 0,1 фоизли, калий хлориднинг 0,2 фоизли концентрациясида, натрий бикарбонатнинг эса 1:250, гидроген оксиднинг 1:40000 ва калий пермаганатнинг 1:400000 нисбатдаги концентрацияларда қўллаш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азимов Д.А., Нурмухаммедов Х.Н. Ориентобильгарциоз жвачных животных. //Ветеринария, №8, 1968. –С. 44-46.
2. Азимов Ш.А., Салимов Б.С., Назаров А.Н., Эрназаров Ж. Борьба с фасциолёзом жвачных. //Ветеринария, №2. 1968. –С. 65-66.
3. Горохов В.В. Химические и биологические методы борьбы с моллюсками – промежуточными хозяевами гельминтов. // Гельминтозы с-х животных. Итоги науки, 1969. М., 1970, -С. 132-170.
4. Жариков И.С. Профилактика гельминтозов крупного рогатого скота в промышленных животноводческих комплексах Белорусской ССР. //Проблемы комплектования крупных ферм животными и вет. нян охрана. Тарту, 1975. –С. 190-196.

УДК:619.616.993.192.615.084

Ў.И.Расулов, К.У.Пирназаров,
А.Ғ.Ғафуров, илмий раҳбар, профессор,
Ветеринария илмий-тадқиқот институти**“ПОЛИКАРБ-УЗ” ПРЕПАРАТИНИ ВЕТЕРИНАРИЯ АМАЛИЁТИГА
ЖОРИЙ ҚИЛИШДАН ОЛИНГАН САМАРАДОРЛИК****Аннотация**

В статье приведены результаты внедрения в ветеринарную практику поликарба-Уз в неблагополучных хозяйствах по пироплазмидозам крупного рогатого скота на 1000 головах крупного рогатого скота. При этом установлено, что эффективность составляет 99,8%.

Summary

It was found that the introduction of the drug polkarb-Uz in piroplasmidosis in 99 unhealthy farms in about 1000 head of cattle achieved 99.8 efficiency.

Мавзунинг долзарблиги. Қорамолларнинг пироплазмидоз (тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз) касалликларидан келадиган иктисодий зарар касалланган молларни ўлими, мажбурий сўйилиши ҳамда касалланиб соғайган моллар узоқ вақт давомида касаллик кўзғатувчи паразитларни ташувчилик хусусиятини ўзида сақлаб қолишиги, махсулдорлигини пасайиб кетиши, ишлаб чиқаришда ярқисиз бўлиб қолиши ва ветеринария-санитария тадбирларига кетган харажатлардан иборат бўлади.

Узоқ йиллар давомида олиб борилган тажрибалар натижасида қорамолларнинг пироплазмоз, бабезиоз, тейлериоз касалликларининг эпизоотик ҳолати, клиникаси, патогенези ўрганилди ҳамда даволаш ва профилактика қилишда восита ва усуллар ишлаб чиқилди ва ветеринария амалиётига жорий қилинди. Яратилган ишланмаларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида мол туёқ сонини максимал даражада сақлаб қолишга ва чорвачиликка ҳар йили пироплазмидозлардан келтириладиган иктисодий зарарни камайтирилишига эришилди.

Шунга қарамасдан ушбу восита ва усуллар эскирган ҳамда қорамоллар пироплазмидозларига қарши зарурияти бўлган даволаш-профилактика воситалари хорижий давлатлардан келтириляётганлиги ҳам бир муаммодир. Шу боис бундай препаратларни ўзимизда ишлаб чиқариш керак. Бу пироплазмидоз касалликларини профилактика қилишда зарурияти бўлган дори танқислиги ва унга бўлган валюта харажати бартараф этилади демакдир. Ўз МУ кимё факультети олимлари билан ҳамкорликда илк бор “Поликарб-Уз” препарати ишлаб чиқилган ва унинг қорамоллар пироплазмидозларидан профилактика қилишдаги самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқот мақсади. Миллий Университетнинг кимё факультети билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Поликарб-Уз” препаратини қорамолларни пироплазмидозлардан профилактика қилишда ветеринария

амалиётига жорий қилиш ва ундан олинган самарадорликни аниқлашга қаратилган.

Тадқиқот вазифалари.

1. Поликарб-Уз препаратини ишлаб чиқариш шароитида пироплазмидоз касалликларидан носоғлом бўлган хўжаликларда ветеринария амалиётига жорий қилиш;

2. Поликарб-Уз препаратини қўллашдан олинган самарадорликни аниқлаш.

Тадқиқот натижалари. Ишлаб чиқариш шароитида “Поликарб-Уз” препаратини ветеринария амалиётига жорий қилиш ва уни қорамоллар пироплазмоз, бабезиоз ва тейлериозидан профилактика қилишда самарадорлигини аниқлаш бўйича тажрибалар қорамоллар пироплазмидоз касалликларидан носоғлом бўлган Қашқадарё вилоятининг Ғузор туман “Шўртаннефтгаз” МЧЖ да 400 бош, Яккабоғ туман “Адиба” фермер хўжалигида 135 бош, Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги “Оқ чашма” ф/х. 80 бош, Пастдарғом туман “Беш бола” фермер хўжалигида 300 бош молларда олиб борилди.

“Поликарб-Уз” препарати қорамолнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига (5,0 мл дан териси остига мавсум давомида ҳар 15 кунда) бир мартадан қўлланилди.

“Поликарб-Уз” препарати қўлланилган тажрибадаги қорамоллар ҳар куни назоратда бўлди, зарурият туғилганда клиник ва паразитологик текширишлар олиб борилди. Клиник текширишларда молларни тана харорати, ташқи лимфатик тугунларининг ва ташқи шиллиқ пардаларининг ҳолати, сийдик ва фекальнинг ҳолати, терининг ташқи кўриниши ва ҳолати ҳамда қорамолнинг умумий ахволи назарда тутилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси 1-жадвалда келтирилган бўлиб, ундан маълум бўлишича Ғузор туман “Шўртаннефтегаз” МЧЖ чорвачилик хўжалигида 400 бош молга қўлланилган моллардан ёз мавсуми да-

“Поликарб-Уз” препаратининг самарадорлигини ўрганиш натижалари.

Гу-рух	Хўжалик номи	Бош сони	Қўллаш усули	Натижа
1	Ғузур туман “Шўртан-нефтгаз” МЧЖ	400	Қорамолнинг ҳар 100 кг т.в. 5,0 мл дан ҳар 15 кунда бир мартадан териси остига қўлланилди	Ёз мавсуми давомида 2 бош мол тейлериоз билан касалланди, самарадорлик 99,5% ни ташкил қилди
2	Яккабоғ туман “Адиба” фермер хўжалиги	135	Қорамолнинг ҳар 100 кг т.в. 5,0 мл дан ҳар 15 кунда бир мартадан териси остига қўлланилди	Ёз мавсуми давомида моллар пироплазмидоз касалликлари билан касалланмади, самарадорлик 100% ни ташкил қилди
3	Эллик қалъа туман “Оқ чашма” фермер хўжалиги	80	Қорамолнинг ҳар 100 кг т.в. 5,0 мл дан ҳар 15 кунда бир мартадан териси остига қўлланилди	Ёз мавсуми давомида моллар пироплазмидоз касалликлари билан касалланмади, самарадорлик 100% ни ташкил қилди
4	Пастдарғом туман “Беш бола” фермер хўжалиги	300	Қорамолнинг ҳар 100 кг т.в. 5,0 мл дан ҳар 15 кунда бир марта териси остига қўлланилди	Ёз мавсуми давомида моллар пироплазмидоз касалликлари билан касалланмади, самарадорлик 100% ни ташкил қилди

вомида 2-бош мол тейлериозни клиник белгиларини ва қонда паразитар реакцияни намоён қилиб касалланди, натижада “Поликарб-Уз” препаратини қўллашдан олинган самарадорлик 99,5% ни ташкил қилди. Препарат “Адиба” фермер хўжалигида 135 бош молга қўлланилганда тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз билан касалланган моллар кузатилмади, Элликқалъа туман “Оқ чашма” фермер хўжалигида 80 бош ва “Беш-бола” фермер хўжалигида 300 бошга “Поликарб-Уз” препарати қўлланилган моллардан ҳам тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз билан касалланган моллар кузатилмади. Натижада ушбу хўжаликларда препаратни қўллашдан олинган самарадорлик 100% ни ташкил қилди (1-жадвал).

Хулоса. Қорамоллар пироплазмидозларидан носоғлом бўлган чорвачилик хўжаликларидан 100 бошдан кўпроқ молларда “Поликарб-Уз” препаратини қўллашдан олинган самарадорлик 99,8% ни ташкил қилиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ғафуров А.Ғ., Давлатов Р.Б., Расулов Ў.И. Ветеринария протозоологияси 2013 й.-113 б.
2. Имомов Н.Тейлериозни даволашда Бутачем ва Тейлек препаратларини самарадорлиги. “Зооветеринария”. №12 2010 -35-36 б.
3. Ғафуров А.Ғ., Мавлонов С.И. Қорамолларни тейлериоздан асраш. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, №6 2012,-9-11б.



Бухоро вилояти.

– Ветврачлар орасида ишлаб билдимки, бу соҳада доимий ўқиш-ўрганиш жуда керак. Билимдон бўлсангиз, сизни сўрайдиган кишилар кўп бўлади. Баъзан тажрибали ветврачларни ҳашаматли автомашиналарда олиб кетишаётганини кўриб шу касбга ўқиш фикри туғилади менда. Тўғри, бу касб эгаларининг иши оғир, аммо шарафли. Баъзан тунда ҳам тинишмайди, молим касал деган одамнинг молхонасида эрталабгача қолиб кетадиган мутахассисларимиз ҳам йўқ эмас. Шу боис ҳар гал байрамлар арафасида бошлиғимиз кимни мукофотлаймиз, сиз мутахассислар билан шуғулланасиз деб қолганда уларни ҳаммаси мукофотга лойиқ дегим келади, – дейди Қоровулбозор туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ходими Ситора Бекхайдарова. – Агар биз ҳақимизда журналда ёзар бўлсангиз таъкидлаб қўйинг, бизнинг бўлим обунани ўз вақтида яқунлайди. Чунки мутахассисларимиз билимини, ёшлар малакасини оширишда бу нашрнинг аҳамияти бекиёсдир.

Севинч Эргашева.

М.Қ.Юлдашева, ассистент,

Б.Д.Нарзиев, доцент,

Самарқанд ветеринария медицина институти

ЙИРИНГЛИ ЖАРОҲАТЛАРНИ ДАВОЛАШДА ПРОБИОТИКЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Адабиёт маълумотлари асосида)

Аннотация

Данной статье приведены литературные данные по применению пробиотиков в ветеринарной практике эффективность применения их при лечении гнойных ран животных.

Таянч иборалари: жароҳат, йиринг, касаллик, хирургия, пробиотик, самарадорлик.

Мавзунинг дорзарблиги. Бугунги кунда жароҳлик касалликлари юкумсиз касалликлар орасида иккинчи ўринни эгаллайди. Ҳайвонларнинг жароҳлик касалликлари ичида энг кенг тарқалган йирингли яллиғланиш жараёнлари ва тасодифий зарарланган жароҳатлардир[3].

Хирургик жароҳатларини даволашнинг турли усуллари мавжуд. Бунинг сабаби шундаки, жароҳат тушунчаси ва жароҳат жараёни нафақат тиббий, биологик, техник фанлари ривожланиши билан бирга доимо ўзгариб туради. Илмий тараққиёт ҳар доим хирургик жароҳатни даволашда янги имкониётларни очади[7].

Сўнги йилларда тиббиёт ва озиқ-овқат пробиотиклар ветеринария амалиётига кенг жорий этилмоқда, лекин уларнинг таъсири ва самарадорлиги яхши ўрганилмаган.

Пробиотиклар – бу микробиял препаратлар бўлиб, патоген микрофлорага антагонистик таъсирга эга ва овқат ҳазм қилиш трактининг микрофлорасига зарарли таъсирот кўрсатмайди.

Айрим тадқиқотчилар фикрича, антибиотиклар ва кимё препаратларни ўрнида пробиотикларни профилактик, даволаш ва маҳсулдорликни ошириш мақсадида қўллаш мумкин.

Пробиотиклар ошқозонности беги ферментларини, шунингдек ичак безларини секрециясини, ўт кислотаси тузларини деконюгациясини фаоллаштиришга, ҳайвон танасининг қаршилигини оширишга, метаболик жараёнларда ва пластик материалларни куришда фаол иштирок этишга кодир[5].

Пробиотиклар ҳайвонларнинг организмида антимикробиял бирикмалар ҳосил қилиб, токсинларга хос рецепторларни ўзгартиради ва шу билан токсинларга воситачилик қилувчи реакцияларни

Аннотация

Ушбу мақолада ветеринария амалиётида пробиотикдан фойдаланиш ва ҳайвонларнинг йирингли яраларини даволашда улардан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисида адабиёт маълумотлари келтирилган.

Блоклайди. Бактериялар тўқнашуви гипотезасига кўра, ошқозон-ичак трактини колонизация қилиш пробиотик микроорганизмлар озуқа моддалари ва адгезион жойлари учун патоген бактериялар билан рақобатлашади[9].

Ҳозирги вақтда ошқозон-ичак касалликлари билан ҳайвонларни даволаш учун кимё терапевтик, биологик ва бошқа воситалар қўлланилмоқда, аммо уларнинг барчаси ижобий натижалар бермайди. Баъзилар етарлича самарага эга эмас, бошқалари эса ижобий таъсирдан ташқари, кумулятив таъсирга эга бўлиб, заҳарланишга олиб келади. Антибиотиклардан узоқ муддатли фойдаланишда юкумли касалликларни ҳамда йирингли некротик жараёнларни кўзгатувчиларида қаршилиқ пайдо бўлишига олиб келади, бу эса кейинги даволаш ва профилактика ишларига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу касалликларни ҳайвонларда даволаш учун ишлатиладиган кўплаб дорилар чекланган таъсир доирасига эга, натижада паст терапевтик самарадорлик кузатилади.

Шу сабабли пробиотикларга қизиқиш кескин ошиб, экологик хавфсиз терапевтик ва профилактик воситаларни ишлаб чиқиш натижаларини ўрганиш ва амалга ошириш бўйича дастурларга устувор аҳамият берилмоқда. Ошқозон-ичак тракти касалликларида пробиотиклар органик кислоталар, паст молекуляр антибактериал моддалар, бактериоциндлар ва ингибитор оксилларни ишлаб чиқарилган токсинларни нейтраллаш, фойдали ва шартли патоген микрофлора ўртасидаги мувозанатни сақлаб иммуногенезини рағбатлантиришни таъминлайди [13].

Пробиотиклардан фойдаланишда организмнинг чидамлигини оширишда, иммуногенез реакцияла-

рини стимуллаштини рағбатлантиришда ёрдам беради, бу эса сут-гўшт маҳсулдорлигини, уларнинг сифатини, самарадорлигини оширишда ва касалликларга чидамлилигини янада ривожлантиришга аижобий таъсир кўрсатади[10].

Пробиотиклар сўнгги пайтларда йирик қорамолларнинг акушерлик-гинекологик касалликлар, мастит ва бошқа юқумсиз касалликлари учун даволаш, профилактика тадбирларида фаол фойдаланилмоқда[1].

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда пробиотикни ўрганилиши ва қўлланилиши энди йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистонда Россиядан олинган ва қўллашда яхши натижаларга эришган иккита препарат «Ветоспорин», «Споробакт» пробиотикларидир.

Ўзбекистонда пробиотик препаратларни ўрғанишга бир қатор олимлар ҳисса қўшган[14].

Турли пробиотикларни таъсири бир қатор муаллифлар томонидан турли юқумли, юқумсиз касалликларда ўрганишган, масалан: «Ветоспорин» номли пробиотик патоген ва шартли патоген микроорганизмларга қарши курашда самарали бўлиб, йирингли некротик жароҳатларни битишини тезлаштиришга ёрдам беради[2].

Муаллифнинг тадқиқотлари бўйича «Ветоспорин» ва «Ветамелам» регенератив жараёнларни нормаллаштириш ва қорамол бармоқлари соҳасида йирингли некротик жараёнларни даволашни шифо топишини тезлаштирган.

«Ветоспорин» ва «Ветамелам» препаратлари ёрдамида сигирларнинг бармоқ соҳасидаги яраларни комплекс даволаш ва олдини олиш усули ишлаб чиқилган. Уларнинг мураккаб даволашнинг юқори терапевтик самарадорлиги, мураккаб бактериостатик кукунни қўллаш билан биргаликда патологик марказ соҳасидаги регенерация жараёнлари тезлашади ва даволаш вақти сезиларли даражада қисқаради.

Жароҳатни даволаш ва йирингли асоратларнинг олдини олишнинг замонавий самарали усуллари орасида соф ёки иммобилизацияланган бактериал протеазаларга асосланган препаратларга пробиотик «Споро бактерин» суяқлиги ишлаб чиқилган технология (ТУ 10-07-042-92) бўйича *Vacillustуридаги* бактериялардир[8].

Тирик бактериялар сақлайдиган даволовчи препаратларнинг хусусиятлари уларнинг микроб культураларини хусусиятларига асосланган. Даволовчи

препарат сифатида олинган сапрофит микроорганизмлар биологик фаол моддалар, иммуномодуляторлар, витаминлар, алмашмайдиган аминокислоталар ва энг муҳими, кенг спектрли антибиотиклар ишлаб чиқаради. Тиббиётдаги сўнгги тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, баъзи бактериялар бевосита қон ва лимфага кириб, яллиғланиш марказига етиб боради ва у ерда терапевтик таъсир кўрсатади. Ушбу таъсир механизми *Vacillus* турдаги микробларга хос.

«Споро бактерин» гематологик параметрларга асослаб, экспериментал ҳайвонлар организмни специфик химоя қилиш омилларида салбий таъсир кўрсатмайди. «Споро бактерин» дан фойдаланишда грануляциян тўқиманинг дифференциацияси ва микроциркуляциян қон томирларининг ҳосил бўлиши учун янада қулай шароит яратади, бу эса жароҳат дефектининг янада самарали шифо топишига олиб келади ва хирургик жароҳатнинг битиш муддатини 3-4 кунга қисқартиради [4].

Хулоса. 1. Адабиёт таҳлили шуни кўрсатадики, пробиотикларнинг аҳамияти соғлом ҳайвон ва одам организмга кенг ўрганилган бўлиб, аммо кўпгина касалликларда, айниқса, йирингли жароҳатларни олдини олишда ва даволашда ўрганилмаган.

2. Ўзбекистонда пробиотик препаратларни тайёрлаш технологиялари ишлаб чиқилмаган ва хирургик касалликларида таъсири ўрганилмаган, шунинг учун маҳалий хомашёдан олинган пробиотикларни тайёрлаш технологияларни яратиш, уни ҳайвонларда учрайдиган йирингли жароҳатларни даволашда қўллаш, самарадорлигини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Баркова, А. С. Опыт применения пробиотических средств для профилактики мастита и повышения качества молока у коров / А.С. Баркова, А.Ф. Колчин, Е.2013.

2. Вахитов Р.Р. Влияние пробиотика Ветоспорин и Ветамелам на течение гнойно-некротических процессов у крупного рогатого скота – Уфа, – 2018.

3. Персеева Н.С./Чеходариди Ф.Н. Комплексная терапия гнойных воспалительных процессов и ран у животных// – Владикавказ, 2019.

4. Лепский А.А. Лечение операционных ран с применением споробактерина и электрообезболивания. – Оренбург, 2007.

УДК 619:615.3+636.5

А.Б.Мамедов, биология фанлари доктори, профессор,
 Ҳ.П.Нурмаматов, ветеринария фанлари номзоди, етакчи мутахассис,
 Ж.Зухуров, етакчи мутахассис, «LUX SUNRISE PHARMA» МЧЖ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИ ВА ПАРРАНДАЛАРДА ИММУНИТЕТНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация

В статье отражены роль и значение факторов иммунитета, формируемые в организме сельскохозяйственных животных и птиц, даны соответствующие рекомендации по повышению неспецифического иммунитета после применение лекарственного средства «Мета-стабизал».

Калит сўзлар: иммунитет, патоген микроорганизмлар, ишлаб чиқариш, озуқалар, озиқлантириш, соғлиқ, организм қаршилиги.

Кириш. Инсон ва ҳайвонлар организми турли йўллар билан (озиқ-овқат маҳсулотлари, сув, тери, шиллик тўқималар орқали ва бошқа) тушаётган барча моддалар ва уларнинг айрим қисмларини аниқ “ўзимники-фойдали” ёки “ёт-зарарли” кабилида табиат қонунларига мос равишда беҳато аниқлай олади. Ушбу аниқлаш натижасига кўра, ҳар бир реал организм пировард натижада моддаларнинг аниқ ишлатилиши ёки зарарсизлантирилишини таъминлайди. Кўпгина ҳолатда организмга зарур озуқалар, сув ва сув таркибидаги табиий моддалар билан бир қаторда, баъзан турли патоген ва нопатоген микроорганизмлар, бегона оксиллар, ёғлар, мураккаб углеводлар ва бошқа организм учун бутунлай ёт бўлган моддалар ҳам тушади. Бундай ҳолатларда организмда шаклланган иммунитетнинг энг аҳамиятли ва асосий вазифаси – уларни “ўзиники” ёки “ёт-бегона” сифатида ажратишидир.

Чунки “ёт-бегона” унсурларнинг организмга тушиши, унинг тузилишини ва унда содир бўлаётган ҳаётим кимёвий, биокимёвий жараёнларнинг нормал кечиш бузилишига сабаб бўлади ва улар натижасида турли салбий ҳолатларни юзага келтиради. Тирик жонотлар ўз организмга турли йўллар билан тушаётган “ёт-бегона” нарсаларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни ўз вақтида бартараф этиш хусусиятига эга бўлган ноёб табиий иммун тизимларига эга. Ушбу иммун тизими тирик жонотларнинг бутун организми бўйлаб жойлашган бўлиб, уларни зарурий моддалар билан таъминловчи ва кераксиз моддалардан тозаловчи қон, лимфа каби суюқлар билан ўзаро боғланиб туради.

Одатда иммунитет икки турга – “табиий” ва “орттирилган”, яъни ҳайвон туғилганидаёқ организмда мавжуд бўладиган иммунитет, шунингдек ҳайвон туғилганидан сўнг, ҳаётининг кейинги даврида орттирилган – “сунъий олинган” иммунитет турларига бўлинади.

Ҳайвон туғилган пайтидаги табиий иммунитет баъзи бир чорва моллари ва паррандаларда маълум бир юқумли ёки юқумсиз касалликларга қарши шаклланган бўлади ва у онанинг бачадонида, яъни ҳомила давридаёқ вужудга келади, ушбу иммунитет ҳомилага бевосита онасининг организмидан ўтади. Лекин ушбу табиий иммунитет маълум бир турдаги ҳайвонларда ва айрим касалликларга қарши хос шаклланган бўлади. Жумладан, тоқ туёқли ҳайвонларда, яъни отларда жуфт туёқли ҳайвонларга хос бўлган “оқсил”, қорамолларда эса отларга хос бўлган “манқа”, итларда чўққаларга хос бўлган “сарамас”, ҳайвонларда одамларга хос бўлган “захм” касалликлари учрамайди. Янги туғилган ёш организмда табиий иммунитетнинг пайдо бўлиш механизмини ҳайвон ёки паррандалар организми

Annotation

The article reflects the role and importance of different immunities in the life of farm animals and birds, and gives recommendations for improving immunity. The characterization and explanation of the roles and effects of the local drug “Metastabizal” on the health and productivity of animals and recommendations for their use are given.

маълум бир юқумли касалликларнинг кўзгатувчиларини тавсифловчи “антиген”ларни йўқ қилувчи, уларнинг кўпайишини олдини олувчи “антитана” моддаларнинг она организмда муқаддам шаклланган бўлганлиги ва ушбу “антитана”ларнинг маълум миқдорда туғилажак ҳомила организмга бевосита ўтиши билан ифодаланади. Шу сабабли ҳайвон ҳаётининг дастлабки даврида ҳар қандай антигенга қарши шаклланган антитаналар мавжуд бўлганда, яъни “табиий” иммунитетни бор организмларда баъзи бир микроорганизмлар – касаллик кўзгатувчилари на кўпая олади ва на яшай олади.

Ёш моллар ва жўжалар организмдаги мавжуд табиий иммунитет бирмунча барқарор бўлишига қарамасдан, мулоқ узок вақт давом этмайди. Табиий иммунитетнинг узок вақт давом этиши ёш моллар ва паррандаларни сақлаш ва парвариш-лаш шароитлари қониқарли ташкил этилганлигига, ўсаётган ёш моллар ва паррандаларни озиқлантиришда озуқа таркибининг тўйимли моддалар, минерал элементлар, витаминлар ҳамда аминокислоталар билан талабига мувофиқ даражада таъминланганлигига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Жумладан, табиий шароитларда товуклар “қуйдирги” касаллиги билан касалланмайди, бироқ атоқли француз микробиологи Луи Пастер ташқи ҳаво ҳарорати ўта паст ва нам бўлган ҳудудларда паррандаларда ҳам қуйдирги касаллигининг учраши мумкинлигини баён этган.

Турли юқумли касалликларга нисбатан доимий қаршилиқ кўрсатиш хусусияти асосан катта ёшдаги ҳайвонларда пайдо бўлади, аксинча ёш молларда бу каби табиий қаршилиқ кўрсатиш хусусияти турли туман касаллик кўзгатувчиларига қарши алоҳида пайдо бўлмайди. Инкубацияга қўйилган туҳумда ривожланаётган товук эмбриони ташқи муҳитдаги турли вируслар ва бактерияларга нисбатан ўта сезгир бўлади, шу сабабдан ҳам товук эмбриони паррандаларнинг турли юқумли касалликларига қарши қўлланиладиган вакциналарни ишлаб чиқаришда кенг қўламда қўлланилади.

Ҳайвон организмда мавжуд бўлган баъзи бир касалликка қарши табиий қаршилиқ кўрсатиш қобилияти, яъни иммунитет даражаси нафақат ҳайвонлар турлари орасида, балки уларнинг зотлари, популяциялари ёки линиялари орасида ҳам турлича бўлади. Масалан, қуйдирги касаллигига майда шохли молларнинг кўплаб зотлари мойил бўлса-да, “алжир” зотли қўйларнинг мойиллик даражаси ўта даражада паст бўлади. Чўққаларнинг сарамас касаллиги “йоркшир” зотли чўққаларда умуман учрамайди. Шунингдек, паррандаларнинг оқ леггорн зоти бошқа зотларга нисбатан “пуллороз” касаллигига нисбатан ўта чидамли бўлади.

МЕТА-СТАБИЗАЛ



Хайвон организмнинг ҳаёти давомида шаклланган “сунъий” иммунитетнинг ўзига хослиги шундаки, унда маълум бир касаллик “антигени”ни организмга турли йўллار билан киритилганда вужудга келади. Одатда бу иммунитет шартли равишда табиий ва сунъий усулда шаклланган турларига бўлинади. Табиий равишда пайдо бўлган иммунитет ўз навбатида фаол ва нофаол турларга бўлинади, бунда иммунитетнинг фаол тури организмнинг табиий касалланиши туфайли вужудга келади. Кўп ҳолларда организмда табиий иммунитетнинг шаклланиши даврида, чорва моли ёки паррандада ушбу касалликнинг клиник кўринишда кечган бўлиши шарт эмас. Бундан ташқари, организмда иммунитет бир вақтнинг ўзидagina бир неча тур касаллик кўзгатувчиларга нисбатан ҳам вужудга келиши мумкин.

Агарда касаллангандан сўнг чорва моли ёки парранда организмда ушбу юқумли касаллик кўзгатувчиси қолмаган бўлса, унда шаклланган иммунитет стерил, агарда касаллик кўзгатувчиси қисман қолган бўлса, унда шаклланган иммунитет ностерил иммунитет (премуниция) дейилади.

Чорва моллари ва паррандалар организмга ташқи ёт моддаларнинг таъсири, организмдаги турли тўқималарда кечадиган моддалар алмашинуви жараёнида уларнинг хужайра ва хужайралараро суюқликларига қадар содир бўлади. Шу сабабли замонавий илм-фанда вакциналарни организмга киритиш ва хосил бўлаётган иммунитетни ўрганиш аллақачон хужайралар ва унинг элементлари даражасида олиб борилмоқда.

Маълумки, ҳар қандай юқумли ва юқумсиз микроорганизмлар чорва моллари ва паррандалар организмга тушган пайтда, агарда сифати ва тўйимлилиги жиҳатидан талабга етарли даражада жавоб бермайдиган озукалар билан бокилаётган бўлса, ушбу чорва моллари ва паррандалар организмда моддалар алмашинуви (метаболизми) бузилиб, юқумли ва юқумсиз микроорганизмлар таъсирида маълум касалликлар юзага чиқади. Чорва моллари ва паррандалар организмда содир бўладиган моддалар алмашинуви жараёнларини мақсадларига мувофиқ барқарорлаштириш, иммунитет шаклланишини рағбатлантириш ва коррекциялаш бўйича чора-тадбирлар кўриш чорва моллари ва паррандаларни сақлаш, парваришlash ва боқишда, сифатли ва хавфсиз чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўтказилган тадқиқотлар ва олинган натижалар. Чорва моллари ва паррандаларда номахсус иммунитетни коррекциялаш, турли юқумли ва юқумсиз касалликлар тарқалишини камайтириш, сифатли ва хавфсиз чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйиш мақсадида қорамоллар, қўй ва эчкилар, уй хайвонлари ва паррандалар устида “LUX SUNRISE PHARMA” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган, 2016 йилда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган “Мета-стабизал” дори воситасининг турли фоизлардаги суюқ эритмаларидан фойдаланилган ҳолда бир қатор тадқиқотлар ўтказилди ва амалиётга жорий этилди.

Ушбу дори воситасини агрофлича комплекс ўрганишлар натижасида унинг турли хайвонлар ва паррандалар организмда кузатилган патологик ҳолатларда моддалар алмашинувини тартибга солиниши, барқарорлаштирилиши, пайдо бўлаётган зарарли моддаларнинг барқарор килиниши сингари ижобий ҳолатлар қайд килинди. Шунингдек, молхоналарда ташкил этилган ноқулай шароитларда, нисбатан тор жойларда сақлаш натижасида қорамоллар туёқларида пайдо бўлган патологик жараёнларни даволашда ва олдини олишда самарали восита эканлиги аниқланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси об-ҳавоси кескин ўзгарувчан бўлиб, бир йилда ўртача 173-215 кунгача қуёшли кунлар кузатилади, бунда турли ҳудудлар турли даражада табиий ва сунъий радиация фонида эга бўлади. Қуёш радиацияси эса яйловда, яъни очик ҳавода бокиладиган чорва моллари организмга турли даражада салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Тадқиқотлар натижасида “Мета-стабизал” дори воситаси табиатнинг бу салбий таъсирини камайтириш хусусиятига эгаллиги аниқланди.

Ўтказилган тажрибаларда “Мета-стабизал” дори воситасининг кенг қўламда биологик фаол таъсирга эга эканлиги, организмда турли омиллар таъсирида содир бўлаётган моддалар алмашинувининг бузилиш жараёнини тикланиши ва улар орқали организмнинг турли касалликларга қарши курашиши жадал кечиши, чорва моллари ва паррандалар маҳсулдорлигининг 5-7% гача ошиши, турли шамоллаш жараёнлари, шикастланишлар ва тери яраларининг тезроқ тузалиши қайд килинди, хайвонлар ва паррандалар организмда номахсус иммунитет кўрсаткичларини яхшилаш орқали турли бактериялар ва вируслар фаоллигини сўндириш хусусияти аниқланди.

Тавсиялар. Ишлаб чиқарувчи томонидан “Мета-стабизал” дори воситаси қуруқ ҳолатда 5 гр гача ҳажмда ишлаб чиқарилади ва турли чорва молларининг ёши ва турига қараб 0,4 мл дан 5 мл гача миқдорда, паррандаларга ҳар бошга 1,0-1,5 гр миқдорда дистилланган сувда эритилган ҳолда қўлланилади.

Шунингдек, ушбу дори воситасини, фойдали ҳашаротларга, яъни асалари ва ипак қуртларини боқишда, тегишли йўриқномага биноан қўллаш мумкин.

Дори воситасининг бир марта қўллангандаги миқдори тавсия этилганидан 4 мартагача оширилган дозаларда ҳам мутлақо хавфсиздир.



МЕТА-СТАБИЗАЛ

“Мета-стабизал” дори воситаси қўлланилганда даволаш курсини зарур ҳолларда 5-10 кун орасида такрорлаш мумкин.

Хулоса. Ҳозирги пайтда республикамиз чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларидида 90 млн дан ортиқ паррандалар, 21 млн бош қўй ва эчкилар, 13 млн бош қорамоллар, 265 мингдан ортиқ отлар ва 1,2 млн бош куёнлар боқилмоқда. Бирок ҳамма хўжаликларда ҳам чорва моллари, паррандалар ва куёнларни боқишда озука базасига, озиклантириш сифатига қаратилган эътиборнинг етарли даражада эмаслиги сезилиб қолмоқда. Натижада барча турдаги чорва моллари ва паррандаларнинг махсулдорлиги зотлар кўрсаткичларидан анча пастлиги, организмда махсус ва номахсус иммунитет кўрсаткичларининг тушиб кетганлиги турли юкумли ва юкумсиз касалликлар пайдо бўлиши орқали намоён бўлмоқда.

Тажрибаларда олинган натижаларга таянган ҳолда шуни таъкидлаш ўринлики, республикамиз хўжаликларидида боқилаётган чорва моллари, паррандалар ва куёнларнинг иммунитетини кўтаришда, махсулдорлигини оширишда маҳаллий “Мета-стабизал” дори воситасини кенг қўламда қўллаш, шу мақсадда ушбу дори воситасини саноат усулида кенг миқёсда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Караулов А. В. Природные иммуностимуляторы // Практикующий врач.- 1996. - № 1. - с. 11.
2. Окоелова, Т.М. Актуальные проблемы применения биологически активных веществ и производства премиксов / Т.М.Окоелова и др. -Сергиев Посад, 2002. 282 с.
3. А.Абдусттаров, Ф.И.Ибадуллаев. Ёш моллар касалликларини олдини олишнинг замонавий чора-тадбирлари ва унинг истикболлари. Ўзбекистон деҳқончилик – саноат мажмуининг илмий таъминоти. 2 жилд. ЎзҚХФАнинг илмий сессияси материаллари. – Тошкент. Фан, 1995. б. 405-407.
4. Х.Нурмамаатов, Ш.Абдурасулов, Ш.Жабборов, Ж.Таиров, М.Шарапов. Паррандалар организми табиий резистентлигига маҳаллий дори воситаларининг таъсирини ўрганиш. “Зоо-ветеринария”, 2013, 2, 36.

Қўлладик, тавсия этамиз.

– Жониворларнинг иммунитетини кўтариш энг катта муаммолардан бири. Қишлоқларда одамлар кўпинча қорамолу қўй-қўзиларга сомон, камроқ беда пичани, дағал хашак бериб боқишга интилади. Кучли озукалар беришга кўпчиликнинг чўнтаги кўтармайди, баъзилар хасислик қилади, шу боис жониворнинг табиий қуввати пасайиб касалликка чалинадиган бўлиб қолади. Ана шундай ҳолатда “Мета-стабизал” ни қўллаш жуда қўл келади, – дейди жомбойлик Муҳаммади Бозорбоев. – Бу дори воситасини шунчаки қувват берадиган малҳам ўрнида қўллаш ҳам мумкин, ўзим жониворларда ишлаб зарарли жиҳатини кўрмадим, балки юқори ижобий натижа кўрсатди. 44 йиллик тажрибага эга бўлган ветврач, узок йиллар бўлим бошлиғи, ветлаборатория директори бўлиб ишлаган мутахассис сифатида шуни алоҳида таъкидлашни истайманки, “Мета-стабизал”ни саноат асосида ўзимизда кўпроқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак. Ана шунда бугун чорвадорлару ветврачларни қийнаб келаётган жуда кўп муаммолар ўз ечимини топади.

* * *

– Ҳар қандай дори воситасини ўзимизда ишлаб чиқариш мумкин. Бу ҳам арзон тушади, ҳам чет элга бориш, валюта йўқотиш, кимгадир ялиниш, расмиятчилик қилиш ташвишларидан халос этади. Айни чоғда иш жараёнида кўплаб дори воситаларини ишлатаёпмиз, уларнинг ярмидан кўпи четдан келади. Шунини ўзимизда ишлаб чиқарса бўлмайдимиз, деган ҳақли савол туғилади. Бўлади, фақат шу ишни қиламан, деган одамни руҳлантириш, унга ҳалақат бермаслик керак, – дейди шахрихонлик таниқли ветврач Маҳмуджон Усмонов. – Масалан, Самарқанддаги “Биокомбинат”да ишлаб чиқарилаётган дори воситалари хорижликдан асло қолишмайди, ишлатаёпмиз. Шу боис менимча “Мета-стабизал”ни ўзимизда ишлаб чиқариш ва қўллашни кенгайтириш керак. Бу чорвачилик ривожини учун ҳам, ветеринария таракқиёти учун ҳам жуда зарур. Ахир “Мета-стабизал”ни қўллаб самарали эканлигини кўрдик, билдик.



САЛЬМОНЕЛЛЁЗ ЭТИОЛОГИЯЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ
ТОКСИКОИНФЕКЦИЯСИ ҲАҚИДА

Аннотация

В данной статье описаны причины возникновения пищевой токсико-инфекции у людей сальмонеллёзной этиологии, после поедания мяса животных и птиц, больных первичными и вторичными сальмонеллёзами, а также эффективные меры профилактики.

Калим сўзлар: сальмонеллёр, солмонеллалар, озиқ-овқат, гўшт, ҳайвон, парранда, токсикоинфекция, ветеринария-санитария, экспертиза.

Annotation

This article describes the causes of food toxicoinfection in humans with salmonella etiology, after eating the meat of animals and birds sick with primary and secondary salmonellosis, as well as effective measures for their prevention.

Республикамызда аҳолини юкори сифатли ва био-экологик хавфсиз гўшт, сут, балиқ каби озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳозирги вақтнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ушбу маҳсулотларни ветеринария санитария қоидаларига қаттиқ риоя қилган ҳолда олиш, сақлаш ва аҳоли истеъмоли учун ресторан, ошхоналар, бозорларга чиқаришдан олдин уларни синчковлик билан органолиптик ва лабораториявий текширишлар асосида ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказиш талаб этилади.

Адабиётлардан маълумки, ҳайвонлар гўшти таркибида оксил, ёғ, углевод, минерал моддалар ва организмда модда алмашинуви учун зарур бўлган бошқа бирикмалар мавжуд. Гўштдаги оксил миқдори (18,40-21,20%) буғдойга нисбатан 2 баравар кўп ва унинг таркибида одам организмида синтез қилинмайдиган триптофан, лизин, лейцин, гистидан сингари аминокислоталарга бой ҳамда ўсимлик оксигенига нисбатан тез ва яхши ҳазм бўлади. Сут ҳам казеин, альбумин ва глобулин сингари оксилларга, барча алмаштириб бўлмайдиган, шунингдек олтингугуртли аминокислоталарга, ёғ, углевод, витамин, фермент, гормонлар макро-микроэлементларга бой бўлиб, улар организм фаолияти учун энг зарур ҳисобланади. Гўшт ва сутда оксил кўп бўлгани учун ҳам ташқи муҳит таъсирида тез бузилади. Шунинг учун ҳайвонлар, паррандалар ва балиқлар гўштлирини, уни қайта ишлаш маҳсулотларини, сигир, қўй, эчки, от ва туя сутларини, сутни қайта ишлашдан кейин маҳсулотларни санитария-гигиеник жиҳатдан ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказиш асосида баҳолаш орқали истеъмолга чиқариш шу куннинг долзарб муаммосидир. Булардан ташқари, гўшт ва сут маҳсулотларини ветеринария-санитария экспертиза қилиш одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган зооантропоноз инфекцион касалликларни (куйдирги,

туберкулёр, бруцеллёр, сальмонеллёр ва б.) одамлар орасида тарқалишини олдини олишдек жуда муҳим ижтимоий масалаларни ҳам назорат этади. Шунингдек, республикамыз ҳудудида деҳқон бозорларнинг кўплиги (276 та фақат туман ва шаҳар деҳқон бозорлари), агар ҳар бир туман ҳудудида 3-4 та гўшт сотиладиган деҳқон бозорларини эътиборга оласак, ушбу муаммони янада жиддий эканлигига гувоҳ бўламиз. Шунинг учун ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини ветеринария-санитария экспертиза қилувчи мутахассис ҳайвонларнинг гўшт маҳсулотларини баҳолашда уларнинг сўйилишидан олдинги ва сўйилгандан кейинги ҳолатларини ўрганиши, ветеринария-санитария жиҳатдан текшириш қоидаларини билиши, ҳар хил инфекцион, инвазион ва бошқа патологик жараёнларга гумон қилинганда гўшздан ва ҳайвоннинг ички аъзоларидан фойдаланиш қоидаларини билиши ва ҳайвонларнинг сўйилгандан кейинги диагнозини лабораториявий текшириш асосида аниқлаш усулларини ўзлаштириши, шунингдек, гўштни истеъмолга чиқаришдан олдин уни сақлаш қоидаларига ҳам жуда қатта эътибор бериши талаб этилади. Чунки, гўшт ва сут маҳсулотларини сақлаш қоидаларига риоя қилинмаса улар тез бузилади ва худди инфекцион касал ҳайвон маҳсулотлари сингари инсонлар истеъмолга қилганда озиқ-овқат токсикоинфекциясини келтириб чиқаради.

Токсикоинфекцияси инсон организмга патоген микроорганизмлар билан ифлосланган ҳайвон, парранда, балиқ маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум, икра ва б.) билан кирганда содир бўлади. Озиқ-овқат токсикоинфекцияси рўй берган вақтида кирган микроорганизмлар инсон организмга ўзларининг патоген таъсиридан ташқари, улар ўлиши ёки бактерия танаҳасининг емирилиши оқибатида ҳосил бўлган эндотоксинлари билан организмни кучли захарлайди. Шунинг учун ҳам токсикоинфекция дейилади. Инсон организмда озиқ-овқат токсикоинфекциясини

асосан 4 гуруҳ микроорганизмлар: сальмонеллалар, шартли патоген микрофлоралар (протейлар, эшерихиялар), стафило-стрептококкилар ва анаэроб кўзгатувчи-лар (кlostридиялар, айниқса, ботилинус ва перференгенс) кўзгатади.

Табиатда сальмонелла гуруҳига кирувчи бактериялар жуда кенг тарқалган. Улар ташқи муҳитда (гўнг, сув, чиқинди ташланадиган жойлар) ва соғлом ва касал ҳайвон ва одамлар ичагида бўлади. Одамларда қарийб 700 тур сальмонеллалар (серо-вар) озиқ-овқат токсикоинфекциясини кўзгатади.

Токсикоинфекция кўзгатувчиси сальмонеллалар гўштга 2 йўл билан: ҳайвон тирик вақтида (интравитал) ва ҳайвон ўлгандан ёки мажбурий сўйилгандан кейин (постмортал) гўштга ишлов беришда ва сақлашда экзоген йўл билан ўтади. Ҳайвон тирик вақтида сальмонеллэз билан касалланган бўлса, унинг мускулларига сальмонеллалар ўтади; ёки ҳайвон бошқа касаллар билан (энтеритлар, метритлар, чўчка ўлати, кучли озиш ва ҳ.к.) оғриганда, иккиламчи сальмонеллэз ривожланганда ёки соғлом ҳайвонни сўйиш ва бўлақларга бўлиш жараёнида, унинг ичакларидаги сальмонеллалар гўштга ўтади.

Умуман олганда сальмонеллэзлар ҳайвонларда бирламчи ёки иккиламчи бўлиши мумкин: бирламчи қачонки, ҳайвонлар салмонеллэз билан касалланса ёки ундан тузалиб сальмонелла ташувчи бўлса; иккиламчиси эса бошқа инфекция, инвазия ёки бошқа патологик жараёнлар таъсирида организмнинг резистентлиги тушганлиги натижасида секундар инфекция сифатида намоён бўлади.

Бирламчи сальмонеллэз. Сальмонеллалар энтеробактерия оиласига мансуб бўлиб, бузоқларда - асосан *Salmonella dublin*, кам ҳолларда *S. typhimurium*; чўчка болаларида – *S. cholerae suis* ва унинг серо-вариантлари: *S. gleser* ва *S. voldagsen* ва жуда кам ҳоллардагина *S. dublin*; кўзиларда *S. abortus ovis*, кам ҳолларда *S. typhimurium*; қулунларда - *S. abortus equi* касаллик кўзгатади. Сальмонеллаларнинг паррандаларда сальмонеллэз чақирадиган бир қанча серологик турлари мавжуд. *S. gallinorum pullorum*; *S. enteritidis* ўрдақларда ва жўжаларда, камроқ ҳолда ёш қурка ва ғоз жўжаларида; *S. typhimurium* ғоз, ўрдақ ва кабуларларда; *S. infantis*, *S. anatum*, *S. london*, *S. naifa* товук, қурка ва цесаркаларда касаллик кўзгатади.

Сальмонеллалар морфологик бир-биридан фарк қилмайдиган кичик, учлари эгилган 1-4 x 0,5 мкм ўлчамли, грамманфий, ҳаракатчан, спора ва капсула ҳосил қилмайдиган бактерия бўлиб, улар барча анилин бўёқлари билан бўялади. Ундаги термостабил **соматик О-** ва термолабил **хивчинли Н** антигенларга қараб идентификация қилинади. Сальмонеллалар аэроб, одатий суюқ, қаттиқ озуқа муҳитларида 37°C

да яхши ўсади. Улар озуқа муҳитларида ўсса, ГПБ лойқаланади. ГПА да оқимтир кулранг-ҳаворанг колония ҳосил қилади. Сальмонеллаларни таснифлаш асосида уларни Кауфман ва Уайт 1940 йилда аниқлаган антиген тузилиши ётибди, у орқали уларнинг гуруҳ ва серотурлари идентификация қилинади. Сальмонеллаларни серологик фарқлаш учун буюм ойначасида ўтказиладиган О- ва Н- антигенларга қарши монорецепторли зардоб ёрдамида АР дан фойдаланилади. Патологик материалдаги сальмонеллаларни ИФТ да аниқласа ҳам бўлади.

Сальмонеллэзга барча ёш қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, паррандалар мойил. Бузоқлар 10-60 кунлигида кўпроқ, қатта ёшдагилари камроқ касалланади. Кўзилар ҳам 1 кунлигидан бошлаб касалланади, ёши каттарган сари касалланиш даражаси камаяди. Қулунлар ҳам 1 ҳафталикдан 3 ойликкача мойил. Байталларда сальмонеллэз аборт кўзгатади. Сальмонеллалар организмда ўлганда, парчаланганда улардан эндотоксин ҳосил бўлади.

Ёш ҳайвонлар ва паррандалар сальмонеллэзи иқлим ва географик жойлашишидан қатъий назар дунёнинг барча мамлакатларида мавжуд. Ушбу касалликдаги стационарлик ҳайвонлар орасида яширин бактерия ташувчанлик билан боғлиқ. Номакбул шароит (антисанитария, оқсил, витамин ва минерал моддаларнинг танқислиги) сальмонеллэзни ривожланишига имкон яратади.

Сальмонеллэз билан касалланган ҳайвонлар сути, ахлати, сийдиги, бурундан оққан суюқлик ва сўлаги билан озуқани, сув, тўшама, девор, барча фермадаги предметларни ифлослантиради ва улар кўзгатувчи узатувчи омил бўлиб хизмат қилади. Айниқса, бу соҳада сутнинг аҳамияти қатта. Ёш ҳайвонлар асосан алиментар, камроқ респиратор йўл билан, кўзилар она қорнида зарарланади. Бачадон орқали зарарланган кўзилар касал бўлиб туғилади ва тез орада ўлади. Носоғлом хўжаликда касаллик бир турдан бошқа тур ҳайвонга ўтиши ва бу жараёнда сичқон, пашша ва сувараклар иштирок этиши мумкин. Касалликнинг пайдо бўлишида озуқада оқсил витамин, минерал моддаларнинг, айниқса кальций ва фосфорнинг кам бўлиши, бинода намликни кўтарилиши, ҳароратни пасайиши, ёзда бинода иссиқликнинг ортиши муҳим роль ўйнайди.

Сальмонелла турларининг эпизоотологик аҳамияти бир хил эмас. Уларнинг бир тур ҳайвонга мослашган хиллари (қорамолларга - *S. dublin*, чўчкаларга - *S. cholerae suis*, товукларга - *S. gallinorum pullorum*, ўрдақ ва жўжаларга *S. enteritidis*, отларга - *S. abortus equi*, қўйларга *S. abortus ovis*, барча тур ҳайвонларга - *S. typhimurium*) бирламчи, мослашмаган турлари эса иккиламчи сальмонеллэзни кўзгатади. Номакбул зоогигиеник шароит,

озукани сақлаш технологиясининг бузилиши, ҳар хил озиклантиришдаги салбий ҳолатлар сальмонеллэзнинг асоратли кечишига ва ҳайвоннинг нобуд бўлишига ёки мажбурий сўйилишига олиб келади.

Сальмонеллэз бузоқларда *ўткир* кечганда, уларда кучли маъюслик, анорекция, доимий иситма (40-41°C) кузатилади. Бузоқлар кам ҳаракат, ланж, уйкучи бўлади, кўп ётади, кўзлари юмилади. Нафас олиш тезлашади (60-90 марта/дақ) ва корин турида нафас олади, пульс аритмик (110-150 марта/дақ) бўлади. Конъюнктиваси қизаради ва шишади, кўзидан ёш, бурнидан серозли суюқлик оқади. Иштаҳаси кескин пасаяди ёки умуман бўлмайди. Агар 36-48 соат орасида ўлмаса, бузоқда дефекация бузилади, фекали суюқлашади, унинг таркибида шиллик, газ ва кон бўлиши мумкин. Сўнгрок дефекация ихтиёрсиз бўлади. Касаллик оғир кечса, буйрак касаллиги белгилари: тез ва лойқа сийиш, сийдик билан оксил, эпителиялар ва эритроцитларни ажралиши, юрак фаолияти етишмовчилиги ва токсикоз кузатилади. Бузоқ озади ва 5-10 кунда ўлади ёки мажбурий сўйилади.

Касаллик *ярим ўткир шаклда* кечса ҳам ушбу клиник белгилар кузатилади, бироқ улар кучсиз намоён бўлади. Диарея алмашувчан бўлиб, нафас олиш аъзоларининг касаллик белгилари кўпаядилар. Уларда ринит, конъюнктивит, бурундан сероз-шилликли суюқлик оқиш, йўтал, нафасни хириллаши, аускултацияда тез везикуляр нафас олиш ва хириллаш, перкуссияда ўпканинг қаттиқланиши кузатилади.

Касаллик *сурункали* кечса, нафас олиш аъзоларидаги белгилар кучаяди. Унда бурундан шилликли ёки шиллик-йирингли суюқлик оқиш, олдин куруқ, кейинчалик тез-тез хўл, оғриқли йўтал кузатилади, нафас олиш қийинлашади ва хириллаб нафас олади. Касал бузоқда ланжлик ҳолати, иштаҳани пасайиши, йўтал вақтида инграш кузатилади. Тана ҳарорати 40,5-41,5°C дан тушмайди. Айрим ҳолларда артрит аниқланади. Тизза ва сакраш буғинларида аввал иссиқ, оғриқли, сўнг қаттиқ ва катталашган шиш ҳамда оқсаш кузатилади. Касаллик бузоқларда ойлаб давом этади, улар жуда озидан кетади. Вояга етган қорамолларда ҳам айниқса, ушбу касаллик бўйича носоғлом хўжаликларда, сальмонеллэзли энтерит кўринишида намоён бўлади.

Паррандаларда сальмонеллэзни - *S. gallinorum pullorum* ва *S. enteritidis* келтириб чиқаради. Сальмонеллэзларни эпидемиологик назоратини олиб боровчи халқаро ташкилотнинг таъкидлашича, сўнгги пайтларда *S. enteritidis* келтириб чиқарган 50% дан 90 % гача одамлардаги озик-овқат токсикоинфекцияси парранда гўшти, паррандачилик маҳсулотлари ва тухум маҳсулотларини истеъмол қилиш натижа-

сида келиб чиққанлиги маълум бўлган [4]. Одатда 50 кунликдан катта ва вояга етган паррандаларда сальмонеллез сурункали ва аборттив (клиник белгисиз) кечади. Касаллик сурункали кечганда товук ва куркалар инида узоқ ўтиради, тожи ва сиргаси оқимтир бўлиб, тухум туғиш кескин пасаяди, корни тушади. Кўпинча паррандалар тухумдон фолликуласининг ёрилиши туфайли перитонитдан (сепсис) нобуд бўлади. Ўрдак ва ғозларда ҳам сальмонеллез сурункали кечганда клиник белгилар аниқ кўринмайди, улар ўсишдан қолади ва вақти-вақти билан ич кетиш кузатилади. Вояга етган ўрдаклар – бактерия ташувчилар бўлиб хизмат қилади. Вояга етган сувда сузувчи паррандаларда (ўрдак, ғоз) ва товукларда номақбул шароитда касаллик сурункали шаклдан ўткир шаклга айланиши, 1,5-2 марта тухум туғишнинг пасайиши ва тухум сариғи перитонитдан оммавий ўлим кузатилиши мумкин. Ушбу ҳолатлар куркалар сальмонеллезиди ҳам кузатилади. Сувда сузувчи ва бошқа тур паррандаларда табиий шароитда сальмонеллез аспергиллез, пастереллез, вирусли гепатит билан бирга, иккиламчи инфекция сифатида кечади.

Иккиламчи сальмонеллэз. Ветеринария-санитария экспертизаси амалиётида одамларда секундар-иккиламчи сальмонеллэз этиологияли озик-овқат токсикоинфекциялари жуда кўп учрайди. 13-38% ҳолатда озик-овқат токсикоинфекцияси ошқозон-ичак диареяси, бронхопневмония, мастит ёки туғишдан кейинги метрит каби касалликлар билан касалланган ҳайвонлар гўштини одамлар истеъмол қилганда кузатилган.

Вояга етган қорамоллар ёмон сифатли катарал иситма, йирингли травматик ретикулит, перикардит, эндокардит ёки бошқа патологик жараёнларда иккиламчи сальмонеллэз кузатилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ветеринария-санитария экспертиза ўтказиш қоидаларида (барча касалликларда ҳайвонлар ва паррандалар мажбурий сўйилганда) гўштни албатта сальмонеллэзга бактериологик усулларда текшириш назарда тутилади.

Гўштни постмортал токсикоинфекция кўзгалтувчилари билан ифлосланиши. Соғлом ҳайвон ёки парранда гўшти уни сақлашда ёки унга ишлов беришда, шунингдек, бактерия ташувчи кемирувчи ва одам омили туфайли, айрим ҳолатларда ҳайвон ёки парранда сўйилгандан кейин тезликда ошқозон-ичак тизими аъзоларидан ажратилмаган вақтларда ичак ичидаги ахлатда бўлган сальмонеллалар билан ифлосланади. Шунинг учун ҳайвон ёки парранда сўйилганда, консизлантириш ва терисини арчишни дарҳол тамомлаб, гўштни ошқозон-ичак тизими аъзоларидан тез ажратиш талаб этилади. Гўшт устига тушган бактериялар дарҳол унинг ички

қатламларига ўтади. Агар гўшт эзилса ёки қийма қилинса, унда бактерияларнинг кўпайиши тезлашади. Қийма қилинганда мускул плазмаси ҳужайрадан ажралади ва 15-38° С ҳароратда бактерияларни кўпайиши учун яхши озук муҳит ҳисобланади. Бундай ҳолатда гўштга тезлик билан термик (30-40 дақиққа қайнатиш) ишлов бериб, йўқотиш талаб этилади. Чунки, қайнатишда сальмонеллалар ўлади, бироқ уларнинг токсини фаол қолганлиги туфайли гўштхўр ҳайвонларга бериб бўлмайди.

Токсикоинфекция кўзгатувчиси билан ифлосланган гўштда тоза гўшлардан фарқловчи ҳеч қандай ташқи белгилар кўзга ташланмайди.

Текширишга гўшдан намуна олиш ва лабораторияга жўнатиш тартиби. Бактериологик текшириш учун намуналар олиш ЎзР ҚСХВ ҳузуридаги Давлат ВББ нинг 2008 йил 19 июндаги 85 сон буйруғи билан тасдиқланган "Гўшт ва гўшт маҳсулотлари ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказиш Қоидалари" асосида амалга оширилди. Бактериологик текшириш учун намуналар стерил (қиздирилган, оловда тобланган) асбоб-усканалар билан қуйидагича олинади: 1) Олдинги ёки орқа оёқнинг букилувчан ёки ёзилувчан ва парда билан қопланган мускулдан 8 см ўлчамли гўшт бўлакчаси кесиб олинади; 2) Нимталанмаган гўшнинг юзаси жойлашган бўйин лимфатик тугуни бир томондан ва ёнбош лимфатик тугуни иккинчи томондан атрофидаги бириктирувчи ва ёғ тўқималари билан биргаликда; 3) Бутун (кесилмаган) талоқ, буйрак ва жигар бўлакчаси (10x10x10см) портал лимфа тугуни ёки ўт халтаси ҳамда найсимон суяк билан биргаликда. Жигар бўлакчаси юзаси ҳам оловда тобланади. Намуналар қуйидагича жойлаштирилади: улар пўстлоқ ҳосил қилиш учун қайнаган ёғга ботирилади. Кейин филтрли ёки ярим пергамент қоғозга, полиэтилен пленкага ўралади ва ёғоч кипиғи, кепак, пахта солинган яшик ёки кортон қутига жойлаштирилади. Қутига ҳайвон тури, унинг эгаси, адреси, намуналар саналади, нимага (бактериологик, биокимёвий) текшириш, ҳайвонда қандай патолого-анатомик ўзгаришлар мавжудлиги, иложи борича ҳайвоннинг сўйишдан олдинги ҳолати, сўйилган вақти ва гўштни қаерда сақланганлиги тўғрисида маълумот ҳам ёзилган йўлланма хат солинади.

Шундай қилиб, одамлар орасида озиқ-овқат токсикоинфекциясининг олдини олиш учун, аввало касал, ориқ, ҳарорати ошган ҳайвонни гўштга сўйиш

мумкин эмас. Айрим ҳолларда транспортда (автомашина) узоқ жойдан жуда қийналган ҳолда олиб келинган ҳайвон (айниқса чўчка) сўйилганда ҳам тирик вақтида ёки сўйилгандан кейин (постмортал) гўшт токсикоинфекция кўзгатувчиси билан зарарланиши мумкин.

Хулосалар:

1. Одамлар орасида озиқ-овқат токсикоинфекциясининг олдини олиш учун касалланган, ориқ, ҳарорати ошган ҳайвонларни гўштга сўйишга рухсат бермаслик керак.

2. Мажбурий сўйилган барча ҳолатларда ҳайвон ва парранда гўшти сальмонеллезга бактериологик текширилиши шарт. Сальмонеллезга ижобий натижа қайд қилинса, гўшт истеъмолга яроқсиз ҳисобланади.

3. Соғлом ҳайвон гўшти бактерия ташувчи кемирувчилар ёки санитария талабларига жавоб бермайдиган (гўнг, сув, чиқинди) жойларда сақланганда ташқи муҳит орқали сальмонеллалар билан ифлосланиш имконияти кўпаяди.

4. Ҳайвон ёки парранда сўйилгандан кейин нимталанмаган гўшт тезликда ошқозон-ичак тизими аъзоларидан ажратилмаган вақтларда ичаклар ахлатида бўлган сальмонеллалар гўштга ўтади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бессарабов Б.Ф., Мельникова И.И., Сушкова Н.К., Садчиков С.Ю. «Сальмонеллез». //В кн.: Болезни птиц. –Санкт-Петербург –Москва-Краснодар, 2007.- С. 220-229.

2. Костенко Ю.Г., Храмов, М.В., Давлеев, А.Д. Современные аспекты возникновения и предупреждения пищевого сальмонеллеза. // Ветеринария № 4, 2012. С. 9 – 13.

3. Салимов Х.С., Давлатов Р.Б., Қамбаров А.А. Паррандаларни сальмонеллездан асрайлик. // Зооветеринария. -Т.,2013.- № 4.-Б.9.

4. Ҳатамов А.Ҳ., Салимов ХС., Паррандалар салмонеллезининг лаборатория ташҳиси. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари: замонавий амалиёт ва инновацион технологиялар. Республика илмий-амалий конференция материаллар тўплами. I қисм 21-22 май, 2020 йил. 120-124 бетлар.

5. Khatamov. A. Kh., Salimov H. S. Results of a study to determine the lethal doses (Id_{100} and Id_{50}) of *s. typhimurium* in experiments on laying chickens. //International journal on integrated education vol. 4. Issue I, January No1s, (2021).167 p., ISSN : 2615 – 3785.

6. Kumar Y, Gupta N, Vaish VB, Gupta S. Distribution trends & antibiogram pattern of *Salmonella enterica* serovar Newport in India. Indian J Med Res. 2016 Jul;144(1):82-86.

Тузатиш.

Нашримизнинг 2021 йил 6-сонида илмий кенгашимиз аъзолари рўйхатида Х.Салимов тўртбурчакка олинганини техник хато ҳисобланишини, аслида бу белги марҳум Б.Салимовга тегишли эканини эслатиб ўтамыз. Устоз Х.Салимовга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Таҳририят

ҲИСОРИ ЗОТЛИ ҚҶЙЛАР ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗИДА СОННИНГ ИККИ БОШЛИ МУСКУЛИНИНГ МОРФОМЕТРИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

Изучена динамика изменения морфометрических показателей двуглавой мышцы бедра в разные физиологические периоды постнатального онтогенеза овец гиссарской породы разных экологических условий. Наблюдается интенсивное повышение линейных измерений и массы, замедление этого процесса в 6-месячном возрасте и повышение до самого высокого уровня в 18-месячном возрасте. Выявлено, что морфометрические показатели двуглавой мышцы бедра у овец, выращенных в адекватных условиях, выше, чем у овец неадекватных условий, от 3-дневного до 60- месячного возраста постнатального онтогенеза.

Калит сўзлар: ҳисори зотли қўйлар, постнатал онтогенез, адекват, ноадекват, мускул, ўсиш коэффициенти, абсолют кўрсаткич, соннинг икки бошли мускули, морфометрик.

Кириш. Чорвачиликнинг муҳим тармоғи бўлган қўйчиликни ривожлантириш аҳолини сифатли гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳайвонлар постнатал онтогенезининг турли босқичларида улар организмда рўй берадиган морфо-физиологик ўзгаришлар ҳамда ушбу жараёнларга табиий яшаш шароитининг таъсирини ўрганиш улардан мақсадли фойдаланиш имкониятини яратади. Соматик мускуллар орган сифатида асосан кўндаланг-тарғил мускул тўқималаридан ҳамда бириктирувчи тўқималардан тузилган бўлиб, гўштни сифати айнан мускул толалари ва бириктирувчи тўқималар нисбати, қолаверса миофибрилларнинг ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқ.

Мускулларнинг асосий бирикадиган жойи суяқлар бўлиб, бу маълум қонуният асосида амалга ошади. Масалан, елканинг латерал тўпиғи ёзувчи ҳисобланиб, унинг бўғим чуқурчасига пастки бўғимнинг ёзувчи мускулларнинг пайи бирикади [1, 6]. Шунга мос равишда унинг медиал қисми буқувчи бўлиб, унга тегишли буқувчи мускулларнинг пайи бирикиб туради. Елка суягининг блоки устида билан чуқурчаси жойлашиб, унда билан суягининг билан ўсимтаси киради ва тирсак бўғимининг букилишини чегаралаб туради. Блок орқасида тирсак чуқурчаси бўлиб, унга тирсак суягининг илмоқсимон ўсимтаси киради ва тирсак бўғимининг ёзилишини чегаралаб туради [2, 3].

Мускултўқималарининг гистологик кўрсаткичлари қўйларнинг ҳар хил генотипи ва зотини миқдорий-сифатий тавсифлашда муҳим аҳамият касб этади [4, 7, 9, 10]. Муаллифнинг тадқиқотлари натижасида кичик диаметрли мускул толаларининг миқдори бўйича майин жунли зотли қўйлар биринчи ўринни, дағал жунли

Summary

The dynamics of changes in the morphometric parameters of the biceps femoris muscle in different physiological periods of postnatal ontogenesis of Hissar sheep in different environmental conditions has been studied. There is an intense increase in linear measurements and mass, slowing down this process at 6 months of age and increasing to the highest level at 18 months of age. It was revealed that the morphometric parameters of the biceps femoris muscle in sheep raised on adequate conditions are higher than inadequate ones, from 3 days to 60 months of age of postnatal ontogenesis.

қўйлар охириги ўринни, ярим майин жунли қўйлар эса оралик ҳолатни эгаллаши аниқланган.

Гўшт йўналишидаги қўйларнинг “Дорпер” зоти Россия Федерациясининг чорвачилик комплекслари ва фермер хўжаликлари шароитида парвариш қилиш учун акклиматизация ва адаптация босқичларини ўтаб, у тез етилувчан ва 12 ойликда тирик вазнини янги туғилган қўзиларга нисбатан ўртача 28,59 мартага ортиши аниқланган [8]. Муаллифнинг тадқиқотлари натижасида қўйларни ушбу янги зотининг олдинги оёқ скелетини кавшовчи майда жуфт туёқлилар учун хос бўлган тамойил асосида шаклланиши аниқланган.

Тез етилувчан ва гўшт сифатининг юқорилиги билан ажралиб турадиган биринчи ва иккинчи авлод қўчқорчалар мускул тўқималари гистологик таҳлил қилинганда [5], энг нозик толалар иккинчи авлод қўчқорчаларда кузатилган, яъни соннинг тўрт бошли мускули толаларининг қалинлиги 4 ойликда 37,3 мкм бўлса, биринчи авлод қўчқорчаларда 36,8 мкм, 7 ойликда бу кўрсаткич биринчи авлод қўчқорчаларда 43,5 мкм гача, иккинчи авлодда эса 42,1 мкм гача ортиши қад этилган. Муаллифнинг тадқиқотларида елканинг узун мускули толаларининг ўртача диаметри 4 ойлик биринчи авлод қўчқорчаларда 33,7 мкм, иккинчи авлод қўчқорчаларда 35,2 мкм ни, 7 ойлик биринчи авлод қўчқорчаларда 39,7 мкм, иккинчи авлод қўчқорчалар 38,2 мкм ни ташкил этиши аниқланган.

Текшириш усули ва материаллари. Тадқиқот ишлари Сурхондарё вилоятининг адекват – Бойсун тумани, “Бойсун теракли” фермер хўжалиги ҳамда ноадекват – Сариосиё тумани, “Сурхон ҳисор қўйлари” фермер хўжалиги, Узун тумани “Д Рўзибадал Шохрух” фермер хўжаликларидаги ҳисори зотли қўйлар

соннинг икки бошли мускули устида олиб борилди. Илмий текширишлар учун постнатал онтогенезнинг 3 кунлик, 3, 6, 12, 18, 36, 60 ойлик босқичларидаги хайвонлар соннинг икки бошли мускули олинди.

Мускулларнинг чизиқли ўлчамлари ва оғирликлари умумморфологик усулда аниқланди.

Илмий текширишлар натижасида олинган барча рақамий маълумотлар Е.К.Меркурьева услуги бўйича математик ишловдан ўтказилди.

Мускулларнинг ёшига қараб ўзгариш динамикасини аниқлаш учун ўсиш коэффициенти К.Б.Свечин томонидан ишлаб чиқилган формула ёрдамида аниқланди.

Математик-статистик таҳлил Стъюдент ва Фишер мезонлари ёрдамида Microsoft Excel электрон жадвалида бажарилди.

Олинган натижалар ва унинг муҳокамаси. Адекват табиий шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар соннинг икки бошли мускули узунлигининг абсолют ўлчами постнатал онтогенезнинг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар жадал ортиб, $18,5 \pm 0,25$ см дан $29,48 \pm 0,41$ см ($p < 0,02$) га ёки шу давр мобайнида ўсиш коэффициентини $1,59$ мартага етиши, 6 ойликда уни $23,88 \pm 0,34$ см ($p < 0,02$, $K = 0,81$) га тушиши, 12 ойликда эса $29,8 \pm 0,41$ см гача ($K = 1,24$), 18 ойликда $36,2 \pm 0,41$ см ($p < 0,01$, $K = 1,21$) гача кўтарилиши қайд этилди. Мускулнинг ушбу кўрсаткичи 36 ойлик қўйларда $28,26 \pm 0,34$ см ($K = 0,78$) гача пасайиб, 60 ойликда уни деярли ўзгармасдан ($28,2 \pm 0,41$ см, $K = 0,99$) қолиши, постнатал онтогенезнинг ўрганилган босқичлари давомида ўсиш коэффициентини $1,52$ мартага етиши кузатилди.

Соннинг икки бошли мускули энининг абсолют кўрсаткичи адекват шароитдаги ҳисори зотли қўйлар постнатал ривожланишининг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар $7,04 \pm 0,13$ см дан $10,32 \pm 0,21$ см га ($p < 0,02$; $K = 1,46$) кўтарилиб, 6 ойликда уни бироз пасайиши ($9,74 \pm 0,12$ см, $K = 0,94$), 12 ойликда $10,74 \pm 0,24$ см ($K = 1,1$) гача, 18 ойликда $12,82 \pm 0,14$ см ($p < 0,01$; $K = 1,19$) ортиб бориши аниқланди. Постнатал онтогенезнинг 36 ойлигида мускулнинг ушбу кўрсаткичини $12,16 \pm 0,29$ см ($K = 0,94$) га, 60 ойлигида $12,56 \pm 0,21$ см ($K = 1,03$) га тенг бўлиши, унинг ўсиш коэффициентини ўрганилган 3 кунликдан 60 ойликка қадар $1,78$ мартага етиши қайд этилди.

Мазкур мускулнинг абсолют қалинлиги ҳисори зотли қўйлар постнатал тараққиётининг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар $1,54 \pm 0,04$ см дан $2,46 \pm 0,02$ см ($p < 0,01$) гача, ўсиш коэффициенти $1,59$ мартагача ортиб, 6 ойликда ҳам бу жараёни давом этиши ($3,28 \pm 0,04$ см, $K = 1,33$), 12 ойликда сезиларли пасайиши ($2,68 \pm 0,04$ см; $K = 0,81$), 18 ойликда эса бошқа ёшдагиларга караганда энг юқори даражага кўтарилиши ($3,48 \pm 0,04$ см, $p < 0,02$; $K = 1,29$), 36 ойликда $2,18 \pm 0,04$ см ($p < 0,02$) га пасайиши ($K = 0,62$), 60 ойликда $2,96 \pm 0,07$ см ($K = 1,35$) га тенг бўлиши кузатилди. Мускул қалинлигининг абсолют кўрсаткичини ўсиш коэффициенти ҳисори зотли қўйлар постнатал онтоге-

незининг 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар $1,92$ мартага етди.

Соннинг икки бошли мускули оғирлигининг абсолют кўрсаткичи адекват шароитдаги ҳисори зотли қўйлар постнатал онтогенезининг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар жадал ортиб, $30,46 \pm 0,51$ г дан $120,3 \pm 1,61$ г га ($p < 0,02$; $K = 3,94$) етиши, 6 ойликда кескин камайиши ($98,16 \pm 1,05$ г; $K = 0,81$), 12 ойликдан 18 ойликкача $153,2 \pm 1,52$ г дан $195,0 \pm 2,36$ г гача ($p < 0,02$; $K = 1,27$) кўтарилиши қайд этилди. Мускул оғирлигининг абсолют кўрсаткичи қўйлар постнатал ривожланишининг 36 ойлигида сезиларли камайиши ($143,56 \pm 1,71$ г; $K = 0,73$), 60 ойликда эса $185,66 \pm 2,39$ г ($p < 0,02$; $K = 1,29$) га, ўсиш коэффициентини ўрганилган 3 кунликдан 60 ойлигига қадар $6,09$ мартага тенг бўлиши аниқланди.

Ноадекват табиий шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар постнатал онтогенезининг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар соннинг икки бошли мускули узунлигининг абсолют ўлчами $17,0 \pm 0,5$ см дан $27,8 \pm 0,41$ см ($p < 0,02$; $K = 1,36$) гача ортиб, 6 ойликда бу кўрсаткични $22,2 \pm 0,41$ см ($p < 0,02$; $K = 0,79$) гача пасайиши, 12 ойликдан $28,4 \pm 0,44$ см гача ($K = 1,27$), 18 ойликда $34,22 \pm 0,41$ см га ($p < 0,02$; $K = 1,2$) кўтарилиши аниқланди. Мускулнинг ушбу кўрсаткичи 36 ойлик қўйларда 18 ойликдагига нисбатан сезиларли камайиб ($26,8 \pm 0,41$ см; $K = 0,78$), 60 ойликда $27,74 \pm 0,57$ см ($p < 0,02$; $K = 1,03$) га, 3 кунликдан 60 ойликка қадар бўлган давр ичида ўсиш коэффициентини $1,63$ мартага тенг бўлиши кузатилди.

Соннинг икки бошли мускули энининг абсолют кўрсаткичи ҳисори зотли қўйлар постнатал ривожланишининг дастлабки 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар жадал ортиб, $6,8 \pm 0,11$ см дан $9,48 \pm 0,23$ см га ($p < 0,02$; $K = 1,39$) етиши, 6 ва 12 ойликларда бу кўрсаткични сезиларли ўзгармасдан (мос равишда, $9,14 \pm 0,1$ см, $K = 0,96$; $9,76 \pm 0,12$ см, $p < 0,02$, $K = 1,06$), 18 ойликда $11,8 \pm 0,16$ см ($K = 1,2$) га кўтарилиши, 36 ойликда $11,22 \pm 0,15$ см ($K = 0,95$) га тушиб, 60 ойликда бошья ёшдагиларга нисбатан энг юқори даражани ($12,04 \pm 0,28$ см; $K = 1,07$) намоён қилиши кузатилди. Мускул энининг абсолют кўрсаткичини ўсиш коэффициенти қўйлар постнатал онтогенезининг ўрганилган 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар $1,77$ мартани ташкил этди.

Мускул қалинлигининг абсолют қалинлиги ноадекват шароитдаги ҳисори зотли қўйлар постнатал онтогенезининг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар $1,26 \pm 0,04$ см дан $2,2 \pm 0,05$ см гача ($K = 1,74$), 6 ойликда $2,86 \pm 0,02$ см ($p < 0,02$; $K = 1,3$) гача кўтарилиб, 12 ойликда бироз камайиши ($2,36 \pm 0,05$ см; $K = 0,82$), 18 ойликда $3,12 \pm 0,06$ см ($p < 0,02$; $K = 1,32$) гача ортиши, 36 ойликда эса уни кескин пасайиши ($1,82 \pm 0,44$ см; $K = 0,58$) ва 60 ойликда $2,62 \pm 0,07$ см ($p < 0,03$; $K = 1,43$) га етиши қайд этилди. Соннинг икки бошли мускули қалинлигининг абсолют кўрсаткичини ўсиш коэффициенти қўйлар постнатал ривожланишининг 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар бўлган давр мобайнида $1,88$ мартани ташкил этиши аниқланди.

Ҳисори зотли қўйлар соннинг икки бошли мускулининг морфометрик кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси.

Ҳайвон ёши	Узунлиги			Ени			Қалинлиги			Оғирлиги		
	М ± м	К	П	М ± м	К	П	М ± м	К	П	М ± м	К	П
Адекват шароит												
3 кун	18,5±0,25	-	0,02	7,04±0,13	-	0,02	1,54±0,04	-	0,03	30,46±0,51	-	0,02
3 ой	29,48±0,41	1,59	0,02	10,32±0,21	1,46	0,02	2,46±0,02	1,59	0,02	120,3±1,61	3,94	0,02
6 ой	23,88±0,38	0,81	0,02	9,74±0,12	0,94	0,01	3,28±0,04	1,33	0,02	98,16±1,05	0,81	0,01
12 ой	29,8±0,41	1,24	0,02	10,74±0,24	1,10	0,03	2,68±0,04	0,81	0,02	153,2±1,52	1,56	0,01
18 ой	36,2±0,41	1,21	0,01	12,82±0,14	1,19	0,01	3,48±0,04	1,29	0,02	195,0±2,36	1,27	0,02
36 ой	28,26±0,34	0,78	0,02	12,16±0,29	0,94	0,03	2,18±0,04	0,62	0,02	143,56±1,71	0,73	0,02
60 ой	28,2±0,41	0,99	0,02	12,56±0,21	1,03	0,02	2,96±0,07	1,35	0,03	185,66±2,39	1,29	0,02
3 кун-60 ой		1,52			1,78			1,92			6,09	
Ноадекват шароит												
3 кун	17,0±0,5	-	0,03	6,8±0,11	-	0,02	1,26±0,04	-	0,04	27,2±0,74	-	0,03
3 ой	27,8±0,41	1,36	0,02	9,48±0,23	1,39	0,03	2,2±0,05	1,74	0,03	114,0±1,83	4,19	0,02
6 ой	22,2±0,41	0,79	0,02	9,14±0,10	0,96	0,01	2,86±0,05	1,30	0,02	91,8±1,51	0,80	0,02
12 ой	28,4±0,44	1,27	0,02	9,76±0,12	1,06	0,02	2,36±0,05	0,82	0,03	144,4±3,81	1,57	0,03
18 ой	34,22±0,41	1,20	0,02	11,8±0,16	1,20	0,02	3,12±0,06	1,32	0,02	177,0±1,83	1,22	0,01
36 ой	26,8±0,41	0,78	0,02	11,22±0,15	0,95	0,02	1,82±0,44	0,58	0,03	135,0±1,80	0,76	0,02
60 ой	27,74±0,57	1,03	0,02	12,04±0,28	1,07	0,03	2,37±0,06	1,30	0,03	163,08±3,0	1,20	0,02
3 кун-60 ой		1,63			1,77			1,88			5,99	

Ноадекват шароитдаги ҳисори зотли қўйлар соннинг икки бошли мускули оғирлигининг абсолют кўрсаткичи постнатал онтогенезнинг дастлабки 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар кескин ортиб, 27,2 ± 0,74 г дан 114,0 ± 1,83 г (p < 0,02) га, ўсиш коэффициентини 4,19 мартага етиши, 6 ойликда 91,8 ± 1,51 г (p < 0,02; K = 0,8) гача камайиши, 12 ойликдан 18 ойликкача бирмунча жадал кўтарилиши (мос равишда, 144,4 ± 3,81 г, K = 1,57; 177,0 ± 1,83 г, p < 0,01, K = 1,22) кузатилди. Мазкур мускулнинг абсолют оғирлиги 36 ойликда 135,0 ± 1,8 г гача камайиб (K = 0,76), 60 ойликда 163,08 ± 3 г (p < 0,02; K = 1,2) гача ортиши, унинг ўсиш коэффициентини 3 кунликдан 60 ойликка қадар бўлган давр ичида 5,99 мартага етиши қайд этилди.

Хулоса:

- ҳисори зотли қўйлар орқа оёғи соннинг икки бошли мускулининг чизикли ўлчамларини постнатал онтогенезнинг дастлабки 3 ойлигига қадар бирмунча жадал ортиши, 6 ойликда ушбу жараёни сусайиши ҳамда 18 ойликда энг юқори даражага кўтарилиши қайд этилди;

- соннинг икки бошли мускули оғирлигининг абсолют кўрсаткичи ҳисори зотли қўйлар постнатал ривожланишининг ўрганилган босқичлари мобайнида унинг чизикли ўлчамларига мутаносиб ўзгариш динамикасини намоён қилсада, мазкур жараёни бирмунча кескин кечиши кузатилди;

- соннинг икки бошли мускулининг морфометрик ўлчамлари постнатал онтогенезнинг 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар адекват табиий шароитдаги ҳисори зотли қўйларда ноадекват шароитдагиларга нисбатан юқори бўлиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Акаевский А.И., Юдичев Ю.Ф., Селезнев С.Б. Анатомия сельскохозяйственных животных. 5-е изд.: ООО «Аквариум-Принт», 2005. – 640 с.
2. Зеленовский Н.В. Международная ветеринарная анатомическая номенклатура. Пятая редакция. СПб, Лань, 2013. - 400с.
3. Зеленовский, К. Н. Артерии области автоподия козы/ Иппология и ветеринария. 2015. № 2 (16). С. 47-51
4. Дмитрик И.И. Теоретическое обоснование и разработка приемов практического использования морфометрических показателей при оценке качества овцеводческого производства. Дисс...докт.с/х.наук. Ставрополь, 2020. -207 с.
5. Егорова К.А. Биологические и продуктивные особенности эдильбаевских баранчиков, полученных из одиночных и двойневых пометов. Дисс...канд.с/х. наук. Саратов, 2018. -101 с.
6. Климов А. Ф., Акаевский А. И. Анатомия домашних животных. –СПб.: Лань, 2011. – 1040 с.
7. Лисицин А.Б. и др. Перспективы развития мясного овцеводства в России на примере Поволжья // Мясная индустрия, 2004. - № 7. – С.16-18.
8. Тарасова, П. В. Морфология скелетов областей предплечья и кисти овцы породы дорпер / Иппология и ветеринария. 2018. № 3(29). С. 65-70.
9. Устинова А.В., и др. Использование баранины при производстве диетических продуктов // Мясная индустрия, 2004. – № 7. – С.26-28.
10. Beerman D.H., Robinson T.F., Hogue D.E. Impact of composition manipulation on lean lamb production in the United States // J. Anim. Sci. 1995, 73 – p. 2493 - 2502

ШОГИРДЛАРИ КЎП ИНСОН



Бундан роппа-роса 42 йил илгари Бойсун туманидаги «Дарбанд» давлат хўжалигида оддий молбоқар бўлиб ишлаган Абдижаббор Кенжаев бугун Сурхондарё вилоят ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази директори лавозимида ишлаб келмоқда. У институтда ўқиган чоғларида ҳам, иш жараёнида ҳам кўплаб дўстлар орттирди. Мухими ёшлардан, иктидорли ҳамкасбларидан ёрдами аямади. Айни чоғда 60 ёшни қаршилаган бўлса-да йигитлардек бардам бўлган устоз кўп йиллик меҳнатлари туфайли Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10, 20 ва 25 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллиги кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

Бундан ташқари устоз Тожикистон, Қозоғистон, Болгария, Руминия, Хитой ва Россия Федерациясида хизмат сафарларида бўлиб, хорижда ўрганганларини ветеринария соҳаси мутахассислари билан фикрлашиб келмоқда.

Устоз 4 нафар фарзандларининг барчасини олий маълумотли қилиб тарбиялади ва улар жамият тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишмоқда. Бугунги кунда Абдижаббор Кенжаев 5 нафар набиранинг суюкли бобожониси ҳисобланади.

Устозни 60 йиллик юбилеи муносабати билан чин дилдан табриклаган ҳолда унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

*М. Тоғаймуродов, ТошДАУ
Термиз филиали катта ўқитувчиси*

УЗОҚ ЯШАМОҚЧИМИСИЗ, ЎҚИНГ, ЎРГАНИНГ



Нашримиз муштарийларидан бири, хатирчилик тажрибали ветврач Мардонкул Тоғаев кутлуғ 60 ёшни қаршилади. Биз уни самимий табриклайдик. Ҳамкасблару шогирдлар ўша куни Тоғаевнинг хонадонидан тўкин дастурхон устида узоқ суҳбатлашишди. Албатта бир йилдан ошдики, пандемия боис бундай суҳбатлар туманда ҳам анча чекланиб қолган эди. Айни чоғда эса Хатирчининг Кўксарой худди “яшил”, ўйинкулгу, тўй-ҳашамга руҳсат бор, 60 ёшга кирган ҳурматли устозни қутлаш баҳонасида ветврачнинг хонадонига келиш эса янада хайрли иш. Хатирчи туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими жамоаси эса Шокир Тўраев бошчилигида бундай туғилган кунларни янада эсда қоладиган қилиб ўтказишда катта тажриба тўплаган.

– Қўмита раисининг топшириқларию эпизоотик тадбирларни ўз вақтида, сифатли ўтказиш ҳар бир ходимнинг кайфияти, билим даражаси, яратиб берилаётган шароитга ҳам боғлиқ. Бир оғиз ширин сўз билан инсонни улуғлаш, уни янгидан янги зафарлар сари руҳлантириш мумкин. Бугун ана шундай бўлди, Мардонкул Тоғаевни қутладик, бир ойлик маош миқдоридан мукофот ҳам ажратдик. Ва яна унинг зиммасига шогирдларни яна ўн нафарга кўпайтириш мажбуриятини ҳам юкладик, – дейди Шокир Тўраев. – Биласиз бу йил саратон жуда иссиқ бўлди, бу чорвадорга ҳам, унинг яқин ҳамқори саналган ветврачларга ҳам катта қийинчилик туғдирди. Ана шу жараёнда Мардонкул Тоғаев участка мудири сифатида бошқаларга ибрат бўлиб меҳнат қилди. Шу боис у том маънода ҳар қанча мактовлару мукофотга лойиқ.

Қахрамонимизнинг меҳнат дафтарчасида бир неча ёзув бор, холос. У 1983 йил СамҚХИнинг ветеринария факультетини тугатган, сўнг тумандаги “Навоий” ветеринария участкаси мудири вазифасида иш бошлади. 1986-1999 йилларда Хатирчи туман хўжаликлари бўрдоқчилик базаси ветеринария врачлари, 1999-2000 йилларда Хатирчи туман ветеринария бўлими бошлигининг муовини лавозимларида меҳнат қилди. Мана 21 йилдирки, участка мудири, одамлар хизматида. Дарвоқе, қахрамонимиз 2019 йил 7 декабрда “Қишлоқ хўжалик ходимлари куни” муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг фахрий ёрлиғи билан ҳам тақдирланган.

У хушчақчақ инсон, гапни топиб гапиради, моли касал бўлганидан таъби тиррик турган кишини ҳам икки-уч гап билан кайфиятини кўтарди. Шу боис Тоғаевни чорвадорлару қишлоқ аҳли ветврачлар оқсоқоли, дея турли тадбирларга қўярда қўймай олиб кетишади. Ундан маслаҳат олиб, унинг дуоси билан фермерликни бошлаган, бугун номдор чорвадорга айланган кишилар ҳам Хатирчида кўп. Ана шу танти акамиз ҳар гал молбозордан зотдор мол олган кишини кўриб қолса маслаҳат беради: “Молим туғсин, кўпайсин десанг, кўчанинг гапига ишонма, энг оқиллона йўл бизни журналга обуна бўлиш. Ўқисанг, ўргансанг, ўзингга фойда, ортиқча харажатдан қутилсан.” Биз бу гапга яна бир қўшимча қилсак, дунё олимлари айтганидек китоб ўқиган, журнал мутолаа қилганининг умри узун бўлади, асаби чарчамайди. Ишонмасангиз, синаб кўринг. Фарзандлару набиранларни ҳам ўқиш, ўрганишга даъват қилиш эса Мардонкул аканинг сўзи билан айтганда ибодату саодатдир.

Набижон Эргашев

СОҒ БЎЛИНГ, ХОЛИЁР БОБО



37 йиллик тажрибага эга бўлган ва фарзандларининг уч нафарини ветеринария соҳасига қизиқтира олган самимий инсон Шўрчи туманидаги Янгибозор ветеринария участкаси мудири Холиёр Даванов 60 ёшни қаршилади ва биз уни хонадониди бўлиб кўмитамиз номидан табрикладик. Сурагларда акс этган тарих жонланди, хонадон соҳиби билан узоқ суҳбатлашдик. Унинг эътироф этишича, инсон қайси касбни танламасин одамлар корига яраса, уларга кўмакдош бўлса хурмат топади. Ўтган йиллар ичида Холиёр ака ветврач бўлиб чорвадору аҳолининг энг яқин дўстига айланди. Эл чорвасини даволаш, сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантириш орқали одамлар эътиборига тушди. Айни чоғда бобонинг ўғли Нуриддин Нормуродов туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимининг бошлиғи, қизи Гулсора ва ўғли Сирожиддин ветеринария дорихонасида ишламоқда. Уларнинг ҳар бири отаси сингари меҳнат билан нон-насиба топаяпти.

– Кўмитамиз раиси Баҳром Тўраевичга куч-қувват тилайман, кейинги тўрт йил ичида бўлган ўзгаришлар аклни шоширади, бунинг оддий бир участкада ишлаётган мутахассис сифатида кўриб турибмиз, – дейди Холиёр бобо. – Одамларнинг чорвага бўлган эътибори ҳам ортиб бораёпти. Энг муҳими, бугун сидқидилдан меҳнат қилган, бирор касбни бошини тутган киши асло кам бўлгани йўқ. Менимча, одам қачон камбағал бўлади, ялқовлик қилса, мен бу гапни фарзандларимга, набираларимга тез-тез айтаман. Айниқса, эринчоқлик касали ветврачга асло ярашмайди, – дейди Холиёр бобо. – Меҳнат қилишдан эринманг, дўстингиз ҳам кўп бўлади, рўзгор ҳам тўқинлашади. Бу оддий ҳақиқатдир.

*Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш
давлат кўмитаси Ахборот хизмати*

ТАНИҚЛИ ОЛИМ ЭДИЛАР

ХОТИРА

Ўзбекистон Ветеринария ва чорвачилик соҳаси оғир жудолукка учради. Самарқанд ветеринария медицинаси институти профессори, ветеринария фанлари доктори Салимов Бўри Салимович 2021 йил 12 июнда 86 ёшда вафот этди.

Б.Салимов 1935 йил 22 октябрда Навоий вилоятининг Хатирчи туманида туғилди. 1954 йилда тумандаги 20-сон ўрта мактабни кумуш медал билан тамомлаб, Самарқанд кишлок хўжалик институти (Ҳозирги Самарқанд ветеринария медицинаси институти) нинг ветеринария факультетига ўқишга кирди.

1959 йилда институтни муваффақиятли битириб, тақсимот комиссиясининг тавсиясига кўра, Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтининг Гельминтология лабораториясига кичик илмий ходим, 1962 йилда мазкур илмий-тадқиқот институтининг аспирантурасига қабул қилинади. Профессор Н.В.Баданиннинг илмий раҳбарлигида «Ўзбекистоннинг тоғолди-тоғ зонаси шароитида кўйларнинг фасциолёз ва уларга қарши-кураш чораларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги кандидатлик диссертациясини 1965 йилда СамҚХИ нинг илмий кенгашида муваффақиятли ҳимоя қилди.

1974 йилда Москва ветеринария ва биотехнология академияси илмий кенгашида академик В.С.Ершов ва профессор Н.В.Демидовлар илмий маслаҳатчилигида «Экспериментальные исследования по дикроцелиозу животных, эпизоотология заболевания и меры борьбы с ним в Узбекистане» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Б.С.Салимов 1965-1979 йилларда Ветеринария илмий-тадқиқот институти Гельминтология лабораторияси мудири, 1982-1998 йиллар Самарқанд кишлок хўжалик институти «Зоология ва табиатни муҳофаза қилиш» кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатди.

1999 йилдан то умрининг охиригача кунларига қадар институтнинг «Паразитология ва ветеринария ишлари ташкил этиш» кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатиб келди. 2004-2012 йиллар давомида ветеринария фанлари бўйича фаолият кўрсатиб келаётган илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси сифатида кўплаб фан номзодлари ва фан докторлари етишиб чиқишига ҳисса қўшди.

Профессор Б.Салимов гельминтология соҳасида катта илмий мактаб яратган олим сифатида 4 нафар фан доктори, 15 нафар фан номзодлари, 30 га яқин магистрлар тайёрлашга беvosита раҳбарлик қилган ҳамда 400 дан ортик илмий мақолалар, 2 та дарслик, 4 та ўқув қўлланма, 4 та монографиялар чоп эттирган эди. Шунингдек, у ўндан ортик тавсиянома ва муаллифлик гувоҳномаларга эга эди. Устоз олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Энг яхши педагог тадқиқотчи» танлови ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитасининг «Олтин тулпор» танловларининг ғолиби бўлган.

Профессор Б.Салимов икки ўғил ва бир қизининг отаси, кўплаб набираларининг севимли бобоси эди. Барча фарзандлари ва неваралари олий маълумотли бўлиб, мамлакатимизнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Забардаст олим, фан фидойиси профессор Б.Салимовнинг порлоқ хотираси фарзандлари ҳамда касбдош дўстлари, шогирдлари қалбида ҳамيشа сақланиб қолади.

СамВМИ жамоаси